БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (575)

28 АПРЕЛЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин ва мустаҳкамлансин ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбарлигидаги иттифоқи—совет тузумининг бузилмас негизи!

Яшасин ва яшнасин Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги—кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи!

(1956 йил 1 Май муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқ ларидан)

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев билан Бирлашган Корольлик Бош Министри сэр Антони Иден ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида

Б А Ё Н О Т

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев 1956 йил 18 апрельдан 27 апрельга қадар Ҳазрат Олийлари Ҳукуматининг таклифига биноан Бирлашган Корольликда бўлдилар. Улар бу ерда бўлган вақтларида Бирлашган Корольлик Бош Министри сэр Антони Иден, Муҳрдор лорд Р. О. Батлер жаноблари, Ташқи Ишлар Министри Селвин Ллойд жаноблари ва Ҳазрат Олийлари Ҳукуматининг бошқа а'золари билан Совет-Англия муносабатлари масаласи устида ҳам, шунингдек умуман халқаро вазият масалалари устида ҳам бирнеча марта суҳбатлашдилар. Ҳар иккала томон бу музокараларни ошкорлик ва реализм руҳида олиб бордилар. Актуал аҳамиятга эга бўлган халқаро масалаларнинг кўпчилиги устида гаплашилди ҳамда тўла ва фойдали фикр олишув бўлди.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Корольлик вакиллари шуни э'тироф қилдиларки, сиёсий соҳада, савдо-сотиқ, фан, маданият соҳаларида ва бошқа соҳаларда Совет-Англия муносабатларининг мустаҳкамланиши ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади. Улар яна шу нарсага ҳам аминдирларки, бу муносабатларнинг мустаҳкамланиши умумий тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Улар халқаро кескинликни янада камайтиришга ўз Ҳукуматларининг ёрдам беришга қат'ий бел боғлаганлигини изҳор қилдилар. Улар давлатлар ўртасида зарур ишонч бўлмай турган ҳозирги вақтдаги мавжуд аҳволни назарда тутиб, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ҳартомонлама ёрдам беришга қат'ий бел боғлаганликларини изҳор қилдилар. Улар шуни э'тироф қиладиларки, раҳбар арбобларнинг шахсий алоқада бўлишлари халқаро ишончни мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир, бундай шахсий алоқалар ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ҳар иккала мамлакат ўз ўрталаридаги муносабатларда, шунингдек ўзларининг бошқа давлатлар билан муносабатларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларига амал қиладилар. Улар шу нарсага аминдирларки, миллий мустақилликни ва суверенитетни, территориал бутунликни ҳурматлаш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ҳамма давлатларнинг ижтимоий системаларидан қат'ий назар шу давлатларнинг дўстона ҳамкорлик қилишлари ва тинч-тотув яшашлари учун асосдир.

Улар жаҳоннинг ҳамма қисмларида зўр бериб қуролланишга хотима бермоқ ва шу тариқа халқларни янги уруш хавфидан халос этмоқ учун ўз қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар.

Ҳар иккала мамлакат вакиллари Европадаги тинчлик ва хавфсизлик умумий тинчликни сақлаб турмоқ учун ҳал қилучи аҳамияти борлигини тўла равишда тушунганлари ҳолда Европада хавфсизликни та'минлаш масаласига алоҳида аҳамият берадилар. Броқ, шу мақсадни амалга ошириш воситалари тўғрисида бир фикрга келинмади.

Ҳал этилмаган, икки ўртада фикр олишув бўлган халқаро проблемаларга, шу жумладан Европага ва Осиёга тааллуқли проблемаларга келганда, ҳар иккала томон шу проблемаларни умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳал этишга ёрдам беришга интиладилар.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Корольлик вакиллари ўзлари муҳокама қилган айрим проблемалар устида қуйидаги хулосаларга келдилар.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Корольлик Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни ва хавфсизликни сақлаб туришга ёрдам бермоқ учун ўз томонларидан мумкин бўлган ҳамма чоралар кўрилади, деган қат'ий ниятдадирлар. Шу мақсад билан улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига унинг Паластин районида тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорларини бажариш йўлидаги куч ва ғайратига зарур мададни бериб турадилар.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари, яқин келгусида шу мақсад билан манфаатдор халқларнинг миллий истакларига, уларнинг мустақиллигини та'минлаш зарурлигига мувофиқ равишда ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ифодаланган принципларга тўла мувофиқ равишда самарали тадбирлар кўрилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари манфаатдор давлатларни Исроил билан араб давлатлари ўртасида яраш тўғрисидаги тегишли битимга биноан ўрнатилган демаркация линияси районида кескинликнинг кучайиб кетишининг олдини олмоқ учун тадбирлар кўришга чақирадилар.

Шунингдек улар араб давлатлари билан Исроил ўртасидаги низо'ли масалаларни ҳар иккала томонга мақбул бўладиган асосда тинчлик билан бартараф қилишни та'минлашга қаратилган ташаббусда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қўллаб-қувватлайдилар.

Улар қочоқлар проблемасининг аҳамиятини э'тироф қиладилар ва уларнинг оғир аҳволини яхшилаш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қилинадиган ҳаракатларни тегишли равишда қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари, бошқа давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотига араб давлатлари билан Исроил ўртасидаги низо'ли масалаларни тинч ҳал қилишга эришишда ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ёрдам бермоқ учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрадилар, деб қат'ий умид билдирадилар.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ПРОБЛЕМАСИ

Фикр олишувлар вақтида қуролсизланиш проблемаси муҳокама қилинди. Ҳар иккала мамлакат вакиллари бу проблемани Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилиш вақтида эришилган аҳволида қараб чиқдилар ҳамда манфаатдор давлатлар томонидан киритилган таклифларни кўриб чиқдилар. Бу проблеманинг ҳал қилиниши умумий тинчликни сақлаб турмоқ учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлур эди, деган битимга келинди.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Бирлашган Корольлик Ҳукумати бу проблема устида тегишли халқаро битим тузишга катта аҳамият берадилар. Бундай битим халқаро кескинликни камайтиришга, давлатлар ўртасида ишончни кўпайтиришга ва ҳарбий ҳаражатлар юкини енгиллаштиришга ёрдам берган бўлур эди.

Ҳар иккала ҳукумат, ядро уруши хавфидан инсониятни халос қилиш ғоят муҳим вазифадир, деган фикрга келдилар. Ядро қуролини узил-кесил тақиқлаш ва ядро энергиясини фақат тинчлик эҳтиёжларига йўллаш уларнинг умумий мақсади бўлиб қолади, шунинг учун ҳам улар шу мақсадга эришмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини давом этдирадилар.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Бирлашган Корольлик Ҳукумати давлатларнинг қурол-яроғларини ва, аввал, беш буюк давлатнинг қуролли кучларини ва қурол-яроғларини тегишли равишда камайтириш билан қуролли кучлар устидан лозим бўлган даражада халқаро контроль ўрнатган ҳолда, шу қурол-яроғларни анча камайтириш мақсадида амалий тадбирларни кечиктирмай кўриш тўғрисида битимга келиш зарурлигини э'тироф қиладилар.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари манфаатдор давлатлар ўртасида бу масала устида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва Қуролсизланиш Кичик комитетида зарур битимга келишга ёрдам бермоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини давом этдирадилар.

СОВЕТ-БРИТАНИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

СССР билан Бирлашган Корольлик ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантиришга тааллуқли масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳар иккала мамлакат вакиллари шу фикрга келдиларки, СССР билан Бирлашган Корольлик ўртасида савдо-сотиқнинг ривожлантирилиши ҳар иккала мамлакат ўртасида яна ҳам мустаҳкамроқ муносабатлар вужудга келтириш ишига катта ҳисса қўшган бўлур эди. Бу эса, ҳар иккала томоннинг ишлабчиқариш имкониятларидан тағин ҳам рационалроқ фойдаланишга ёрдам берган бўлур эди ва Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқни рағбатлантирган бўлур эди.

Муҳокама қилиш вақтида совет вакиллари, Совет Ҳукумати Бирлашган Корольлик билан савдо-сотиқни анча кенгайтиришга тайёр, деб айтдилар. Британия вакиллари ҳам ўзларининг бу савдо-сотиқни кенгайтиришни истаганликларини айтдилар.

Совет вакиллари айтдиларки, савдо-сотиқни чеклашлар ва камситиш бўлмаганида Совет Иттифоқи яқин беш йил мобайнида, 1956 йилдан 1960 йилгача, Бирлашган Корольликдан тахминан 9 — 11 миллиард сўмлик, я'ни 800 — 1000 миллион фунт стерлинглик товар ҳарид қилган бўлур эди, шу жумладан, жам'и 4 — 5 миллиард сўмлик миқдорида ҳархил ускуналарни ва кемаларни қуриб бериш тўғрисида заказлар берган бўлур эди ва жам'и 5 — 6 миллиард сўмлик жуда кўп хил саноат ва ҳомаш'ё товарларини ҳарид қилган бўлур эди. Бирлашган Корольликда қуриб бермоқ учун совет ташкилотлари томонидан заказ қилиниши мумкин бўлган машиналар, ускуналар ва кемаларнинг муфассал рўйхати Бирлашган Корольлик вакилларига топширилди.

Бирлашган Корольлик вакиллари, шу рўйҳатга киритилган товарларнинг бир қисми мавжуд стратегия контроли жорий қилинадиган товарлар эканлигини айтдилар. Шу билан бирликда, мазкур рўйҳатдаги товарларнинг ва ҳомаш'ё материалларининг анчагина қисми чеклашлардан холидир ва савдо-сотиқни кўпайтирмоқ учун тегишли имкониятлар мавжуддир.

Совет Ҳукуматининг вакиллари айтдиларки, машиналар, ускуналар ва кемалар сотиб олмоқ учун Бирлашган Корольликка бериладиган совет заказларининг кўпайтирилиши, шунингдек ҳомаш'ё ва саноат товарларини ҳарид қилишни кўпайтириш Совет Иттифоқи учун СССРдан қилинадиган экспортни тегишли равишда кўпайтириш йўли билан фунт стерлинг тариқасида олинадиган пулни кўпайтириш зарурлигини келтириб чиқаради. Бирлашган Корольлик вакиллари эса, совет экспортининг кўпгина товарлари учун Британия бозори очиқ эканлигини айтдилар.

Ҳар иккала Ҳукуматнинг вакиллари юқорида баён қилинган мулоҳазалар асосида, мазкур рўйхат совет техника экспертлари ёрдами билан Британия томонидан янада ўрганилмоғи керак, деган битимга келдилар.

Улар исте'мол товарларини айирбошлаш масаласини ҳамда ҳаридорлар билан сотучилар ўртасида алоқалар боғлашни осонлаштириш масаласини ҳам янада ўрганиш тўғрисида битимга келдилар.

МАДАНИЙ ВА БОШҚА АЛОҚАЛАР

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Корольлик вакиллари маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш проблемасини ҳам муҳокама қилдилар. Улар бу масала устида Қўшма Баёнот қабул қилдилар, бу Қўшма Баёнот Илова тариқасида алоҳида э'лон қилинади.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИН.

Бирлашган Корольлик Бош Министри Антони ИДЕН.

Лондон, 1956 йил, 26 апрель.

ИЛОВА

СССР билан Бирлашган Корольлик ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида

ҚЎШМА БАЁНОТ

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Бирлашган Корольликка келганликлари муносабати билан СССР ва Бирлашган Корольлик Ҳукуматларининг Бошлиқлари фикр олишувлардан кейин қуйидаги битимга келдилар:

1. Улар маданий, илмий ва техника алоқалари соҳасида ҳукумат, муниципалитет делегацияларини, илмий ва маданий делегацияларни, театр ва музика вакилларини, шунингдек спорт коллективларини бир-бирларига юбориб туриш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда муайян натижаларга эришилганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

2. Улар, ҳар иккала мамлакат Ҳукуматлари ўз мамлакатлари гражданларига иккинчи томоннинг адабиёт, рассомлик ва ҳайкалтарошлик, театр, музика, кино, радиоэшиттириш ва телевидение соҳаларидаги, шунингдек фан, техника, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги тажрибалари ва муваффақиятлари билан танишишда ҳартомонлама ёрдам бермоқни матлуб деб ҳисоблайдилар.

3. Улар бадиий, техника, илмий ва спорт соҳаларида ҳар иккала мамлакат эришган энг яхши муваффақиятлар асосида шу соҳалардаги ташкилотлар ўртасида ҳар иккала томон учун манфаатли равишда айирбошлашни ҳарқандай тарзда кўпайтиришни ма'қуллайдилар; улар мақбул даражада тайёргарликка эга бўлган студентларни ўз мамлакатларидаги университетларда ўқитмоқ учун бир-бирларига юбориб туришни ма'қуллайдилар.

4. Улар, Совет Иттифоқидаги ва Бирлашган Корольликдаги асосий академик, профессионал ва илмий муассасалар ўртасида информация айирбошлашга ёрдам беришни ҳамда фан, техника ва маданият соҳаларида ҳар иккала мамлакатнинг нашрларини айирбошлашни кўпайтиришни истайдилар.

5. Улар, совет гражданларининг Бирлашган Корольликка ва Бирлашган Корольлик гражданларининг Совет Иттифоқига якка-якка ва группа-группа бўлиб қиладиган саёҳатларининг сонини кўпайтиришга умид қиладилар. Ҳар иккала Ҳукумат шу тадбирларнинг, жумладан, анча қулайроқ иқтисодий шароит вужудга келтириш йўли билан, амалга оширилишига ҳартомонлама ёрдам берадилар.

6. Улар шу алоқаларни мустаҳкамлашдан мақсад ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш эканлигини назарда тутиб, ва ҳамжиҳатликни яхшиликка интилиб, Совет Иттифоқи ва Бирлашган Корольлик халқларига бир-бирларининг фикрлари ва турмуш тартиблари билан танишишда ҳартомонлама ёрдам бериш керак, деган битимга келдилар. Улар шу мақсад билан оғзаки ва босма информацияни эркинроқ айирбошлашни та'минлашга қаратилган амалий тадбирлар кўрадилар.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Корольлик вакиллари ўртасида музокаралар тўғрисидаги баёнот имзоланди

ЛОНДОН, 26 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев билан Бирлашган Корольлик Бош Министри сэр Антони Иден ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги Баёнотни бугун маҳаллий вақт билан соат 23 да Англия ташқи ишлар министрлиги биносида имзолаш маросими бўлди.

Баёнотни Совет Иттифоқи Ҳукумати номидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, Бирлашган Корольлик Ҳукумати номидан Бош Министр сэр Антони Иден имзоладилар.

Баёнотни имзолаш вақтида Совет томонидан — СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев, Маданият министри Н. А. Михайлов, Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги иккинчи Европа бўлимининг мудири В. Я. Ерофеев, СССРнинг Буюк Британиядаги савдо вакили В. А. Каменский, академиклар И. В. Курчатов ва А. Н. Туполев ҳозир бўлдилар.

Англия томонидан — муҳрдор лорд Р. Батлер, ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, ташқи ишлар давлат министри лорд Рединг, Буюк Британиянинг СССРдаги Элчиси У. Хэйтер ва Англия ташқи ишлар министрлигининг бошқа вакиллари ҳозир бўлдилар.

Баёнот имзоланиб бўлгач, Н. А. Булганин, Антони Иден, Селвин Ллойд ва Н. С. Хрушчев қўл беришиб бир-бирларини табрикладилар.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Корольлик вакиллари ўртасидаги музокаралар тўғрисидаги Баёнотни имзолаш вақтида инглиз ва четэл матбуотининг, радио ва кинохроникаларининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Хайгейт қабристонида бўлиб, Карл Маркс қабрига гулчамбар қўйдилар

ЛОНДОН, 26 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев бугун эрталаб Лондондаги Хайгейт қабристонига бордилар. Жаҳон пролетариатининг улуғ устози ва йўлбошчиси, илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс бундан 73 йил муқаддам шу қабристонда дафн этилган.

Жаҳондаги кўп мамлакатларнинг меҳнаткашларидан тўпланган маблағ билан 1956 йил 14 мартда ёдгорлик қуриб, Маркс қабрига ўрнатилган эди. Марксининг бронзадан ясалган бюсти ўрнатилган оқ кулранг гранит супачанинг бутун энига унинг бутун дунё меҳнаткашларига қарата айтган: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган отасини чақириғи ўйиб ёзилган. Маркс билан бирликда дафн этилган унинг оила а'золарининг номлари санаб кўрсатилган мармар мемориал тахтадан пастроққа Марксининг қуйидаги сўзлари ўйиб ёзилган: «Философлар дунёни фақат турли равишда **изоҳлаб келдилар,** лекин гап уни **ўзгартиришдадир».**

Қабристон дарвозаси олдига лондонлилардан жуда кўп кишилар тўпланиб турган пайтда — соат 10 да шу дарвоза олдига автомашиналар келиб тўхтайди ва бу автомашиналардан Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари ҳамда Лондондаги совет муассасаларининг ходимлари чиқадилар. Улар шагал тош ётқизилган йўлдан юриб К. Маркс қабри олдига борадилар. Соат 10 — 5 минутда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев қизил атргуллар, оқ ва пушти гуллар билан безатилган катта гулчамбарни ёдгорликка суяб қўядилар. Гулчамбарга қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Улуғ мутафаккир,
илмий коммунизмнинг асосчиси
Карл Марксга —
Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқларидан».

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари гулчамбарни қўйиб бўлиб, бир минут тантанали сукут қилган ҳолда улуғ устознинг хотирасини ҳурматладилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Лондондан Шотландияга учиб кетдилар

ЛОНДОН, 26 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев бугун соат 13—25 минутда Лондондан Эдинбургга учиб кетдилар. Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси У. Хейтер, Англия ташқи ишлар министрлигининг ҳамда Шотландия ишлари бўйича министрликнинг вакиллари совет меҳмонлари билан бирга кетдилар.

Лондон аэродромида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев транспорт ва граждан авиацияси министрлигининг парламент секретари Жон Профьюмо ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Эдинбургга келдилар

ЭДИНБУРГ, 26 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинни ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчевни Лондондан Шотландияга олиб келган тўрт моторли «Вайкаунт» самолёти маҳаллий вақт билан соат 15 да Эдинбургдан олти миля масофадаги Тернхауз аэродромига қўнди. Эдинбург — Шотландиянинг энг қадимий шаҳарларидан бири ва унинг тарихий пойтахти бўлиб, ҳозирги вақтда бу шаҳарнинг аҳолиси 480 минг кишига яқиндир.

Аэродромда совет раҳбарларини ва уларнинг ҳамроҳларини Шотландия ишлари бўйича давлат министри Жеймс Стюарт ва Эдинбург граждан ва ҳарбий ма'мурларининг вакиллари кутиб олдилар.

☆ ☆ ☆

ЭДИНБУРГ, 26 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинни ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевни Лондондан Шотландияга олиб келган тўрт моторли «Вайкаунт» самолёти 26 апрельда маҳаллий вақт билан соат 15 да Эдинбургдан олти миля масофадаги Тернхауз аэродромига келиб қўнганлиги хабар бериб ўтилган эди. Аэродромда совет раҳбарларини ва уларнинг ҳамроҳларини Шотландия ишлари бўйича министр Жеймс Стюарт ва Эдинбург граждан ҳамда ҳарбий ма'мурларининг вакиллари табриклаб кутиб олдилар.

Король ҳарбий-ҳаво кучларининг аэродромда саф тортиб турган фахрий қоровули меҳмонларни честь бериб табриклади. Н. А. Булганин фахрий қоровул олдидан юриб ўтди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Шотландия ишлари бўйича давлат министри Ж. Стюарт билан бирликда автомобильларга тушиб Шотландиянинг энг катта дар'ёси устига қурилган машҳур темир йўл кўпригини кўрмоқ учун Эдинбургдан 9 миля масофада Форт дар'ёсининг жанубий соҳилида жойлашган Саут Куинсферри шаҳарчасига томон йўл олдилар.

Совет раҳбарлари ва уларнинг ҳамроҳлари Саут Куинсферридан Эдинбургга жўнадилар.

Совет меҳмонлари Шотландия қоролларидан Стюартлар династиясининг қадимий резиденцияси бўлган Холирудхауз саройига келдилар. Бу сарой асрлар давомида неча марталаб қайта қурилган ва XVII асрнинг иккинчи ярмида ўзининг ҳозирги тусини олган. Кейинги асрларда бу сарой Буюк Британия қоролларининг Шотландиядаги расмий резиденцияси бўлиб келмоқда. Саройнинг бир қисми музейга айлантирилган ва бу музейда қимматбаҳо суратлар коллекцияси ҳамда қадимий асбоблар сақланади.

Ота-боболаридек шу саройнинг нозири бўлиб келаётган Гамильтон герцоги Холирудхауз саройи олдида Н. А. Булганини ва Н. С. Хрушчевни кутиб олди. Улар саройда бир соатча бўлдилар. Уларга саройнинг ички хоналари, шу жумладан Шотландия қироличаси Мария Стюартнинг турган уйлари кўрсатилди. Совет раҳбарлари саройни келиб кўручи фахрий меҳмонлар дафтарига қўл қўйдилар.

Автомобиллар Холирудхауз саройидан чиқиб, шаҳардаги тепаликда бўлган парк орқали ва Эдинбургнинг марказий кўчалари орқали ўтиб, муниципал кенгаш биносига томон йўл олдилар. Эдинбургнинг жуда кўп аҳолиси совет раҳбарларининг ўтиб бораётганини кузатиб турди ва уларни чин кўнгилдан табриклаб турди.

Муниципал кенгашда Н. А. Булганинни ва Н. С. Хрушчевни Эдинбургнинг лорд-провости (лорд мэри) сэр Жон Бэнкс ва муниципал кенгаш а'золари кутиб олдилар. Лорд провост совет меҳмонларини муниципал кенгаш биносидаги қабул залларидан бирига таклиф қилди ва бу ерда меҳмонлар билан Эдинбург муниципал ма'мурларининг вакиллари ўртасида суҳбат бўлди. Н. А. Булганинга ва Н. С. Хрушчевга лорд провост номидан совғалар — Шотландия мастерлари Эдинбург шаҳрининг гербини хрусталъга ўйиб ясалган буюмлар тақдим қилинди.

Сўнгра совет раҳбарлари шаҳарнинг тепалик жойига баланд гранит қоя устига қурилган ва атрофи ўрта асрнинг қалъа деворлари билан ўраб олинган қадимий Эдинбург қасрига бордилар. Қасрнинг бош дарвозалари олдидаги кичик майдонда Шотландия король гвардиясининг солдатлари Шотландия миллий формасини кийган ҳолда фахрий қоровулликда саф тортиб турдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан юриб ўтгач фахрий трибунага чиқиб, Шотландия гвардиясининг традицион гўзал ҳарбий маросимида ҳозир бўлдилар. Бу ҳарбий маросим дўмбираларнинг гумбирлаши ва Шотландия миллий чолғу асбобларидан тузилган ҳарбий оркестрнинг садолари остида гоят тантанали бўлиб ўтди.

Бу маросим тамом бўлгандан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Эдинбург лорд провости сэр Жон Бэнкс билан бирликда қасрнинг қўрғонига, тож майдонига чиқдилар. Бу ерда биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлган шотландиялилар хотирасига 1927 йилда миллий ёдгорлик қурилган. Бу қалъада Эдинбург қасрининг тож бўлмаси деган хона бор, бунда Шотландия қоролларининг тарихий буюмлари сақланади.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Эдинбург қасри қалъасининг хушманзара жойларини кўриб бўлганларидан кейин, Шотландия ишлари бўйича министр Жеймс Стюарт ва Эдинбург лорд провости сэр Жон Бэнкс совет раҳбарлари шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфат охирида Шотландия ишлари бўйича министр Жеймс Стюарт Буюк Британия қироличасининг ва СССР Олий Совети Президиуми Раисининг соғлиғига қадаҳлар кўтарди. Буюк Британия ва Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро этилди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Эдинбургга келдилар

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Сўнгра Жеймс Стюарт совет меҳмонларига мурожаат қилиб, қисқа табрик нутқи сўзлади. У, афсуски, совет раҳбарларининг Шотландияни ҳаширроқ кўришлари ва Шотландия халқининг турмуши билан яхшироқ танишишлари учун фурсат кифоя қилмади, деб айтди. Жеймс Стюарт, меҳмонлар кўришга муваффақ бўлган ҳатто шу оз нарсаларнинг ўзи ҳам уларда яхши таассурот қолдиргандир деб умид қиламан, деди.

Ҳозир биз зиёфат қилиб турган жой, деди Стюарт, Шотландиянинг қадимий ҳарбий кўргонларидан биридир, лекин мен шунга хурсандманки, бу жой қурилган вақтда кўзланган мақсадга энди ортиқ хизмат қилмайди. Эндиликда биз бир-биримиз билан анча дўстона муносабатда бўлиб яшашга ўрганиб қолдик. Бугунги ажойиб воқиа муносабати билан мен айтмоқчи бўлган бирдан-бир умид шуки, — деб давом қилди министр, — жаҳон халқлари дўстлик ва эркинлик базиятида биргаликда яшашни ва бир-бирлари билан савдо-сотиқ қилишни ўргансалар эди, дейман (қарсаклар). Ўтган ҳафта Лондондаги совет элчихонасида ўтказилган зиёфатда ҳозир бўлиш шарафига муяссар бўлган эдим. Ўша зиёфатда Хрушчев жаноблари, ишонч руҳи билан суғорилган тотув яшаш бизнинг умумий мақсадимиз бўлиши лозим, деб айтган эди. Ҳукуматимизнинг ва Шотландия халқининг ҳақиқий истаги ҳам шудир. Ўтмишда биз кўпгина фойдали алоқаларда бўлган эдик. Бизда келгусида ҳам кўпгина самарали ва дўстона алоқалар бўлади, деб умид қилайлик (қарсаклар).

Зиёфатдагиларнинг ҳаммаси қизғин равишда кутиб олган Н. А. Булганин жавоб нутқи сўзлади. У, Шотландия пойтахтида совет раҳбарлари ҳурсандлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур билдирди. Н. А. Булганин Эдинбург гражданларига ва Шотландиянинг бутун ажойиб халқига Совет Иттифоқи халқлари номидан қизғин салом топширди, Шотландия халқига муваффақият ва равноқ тилади. Эдинбург, — деди Н. А. Булганин, — Буюк Британияда қилаётган саёҳатимизнинг охирги нуқтасидир. Сизлар билан танишиб олгач менда шундай фикр туғилдики, сизларнинг ҳурматли бош министрингиз Иден Буюк Британияда бўлишимизни белгилаб берган программанинг охирги нуқтаси қилиб Шотландия пойтахтини кўришни тайинлаганлиги тасодифий эмас экан, чунки унинг муддаоси бизга айниқса катта завқ бағишлаш бўлган экан. Н. А. Булганин: Н. С. Хрушчев билан мен Шотландиянинг гўзал пойтахтини асло унутмаймиз, афсуски, бу ажойиб мамлакатнинг бошқа жойларини бориб кўриш учун фурсат бўлмади, деди. Шундай бўлса ҳам, — деди сўзини давом қилиб Н. А. Булганин, — ўзининг кемсозлик саноати ва бошқа саноат тармоқлари билан ном чиқарган мамлакатингиз тўғрисида бизда жуда яхши таассурот қолди.

Н. А. Булганин, мен минист Стюартнинг бу қал'а синғари қал'аларга эндиликда эҳтиёж қолмади, деб хурсанд бўлиб айтган сўзларига қўшиламан, деди. Шу гап айтилиши билан Н. С. Хрушчев, бундай қал'алар дўстона учрашувлар ўтказилиши учун жуда ярайверади, деди. Н. С. Хрушчевнинг бу сўзларини зиёфатдагиларнинг ҳаммаси қарсаклар чалиб ма'қуллади.

Н. А. Булганин Н. С. Хрушчевнинг бу фикрига батамом қўшилди ва Шотландия халқи ўзининг юксак маданияти ва ривож топган саноати билан Англия-Совет дўстлигининг кенг йўлидан четда қолмаса эди, деб истак билдирди.

Минист жаноблариннинг тотув яшаш тўғрисидаги сўзлари, — деди Н. А. Булганин, — ҳамда унинг бу масалада Н. С. Хрушчев фикрига қўшилганлиги бизга жуда ёқди. Тотув яшаш — ҳамкорлик қилиш ва дўст бўлиш демакдир (қарсаклар).

Н. А. Булганин, Буюк Британия ва Совет Иттифоқининг тотув яшаши, дўст бўлиши ва ҳамкорлик қилиши яшасин, совет халқи билан Шотландия халқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик яшасин, деб хитоб қилди.

Зиёфат тамом бўлгандан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Эдинбург аэродромига қайтиб бордилар. Улар маҳаллий вақт билан соат 20 — 55 минутда Лондонга учиб кетдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияда бўлиши тўғрисида янги махсус кинофильм чиқарилди

«Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияда бўлиши» деган янги махсус кинофильм Москва экранларида кўрсатилабошлади. Фильмда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Лондон бўйлаб қилган саёҳати, уларнинг «Сенотаф» олдига — Буюк Британиянинг ўз ватани учун қилинган жангларда ҳалок бўлган жангчилари шарафига ўрнатилган ёдгорлик олдига гулчамбарлар қўяётганликлари кўрсатилган. Совет раҳбарларининг Букингэм саройига борганликлари, Буюк Британия бош министри сэр Антони Иденнинг расмий резиденциясига боришлари, Лондон ситисининг муниципал кенгашидаги тантанали зиёфат пайти ҳам кинога олинган.

Фильмнинг бирқанча кадрлари Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Гринвичдаги король ҳарбий-денгиз колледжига боришларини, Харуэллдаги атом илмий тадқиқот марказида, ҳамда университетлар шаҳри бўлган. Оксфордда бўлишларини кўрсатишга бағишланган.

Бу махсус кинофильмни совет ва инглиз кинооператорлари суратга олган. (ТАСС).

Биринчи Майга бағишланган тантанали йиғилишлар

Республика пойтахтида меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

26 апрельда Марказий райондаги саноат корхоналари, муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди. Район партия комитетининг секретари Ҳ. Ғ. Ғуломов 1 Май куни тўғрисида доклад қилди. Йиғилишда электролампа заводи партия ташкилотининг секретари О. В. Костюшко, Навоий номли ўзбек опера ва балет театрининг солисти Ҳ. Комилова, САГУ студенти М. Камолова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори С. Қ. Қосимов нутқ сўзладилар. Йиғилиш қатнашчиларига байрам муносабати билан катта концерт қўйиб берилди.

Шу куни Киров районида ҳам меҳнаткашлар вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди ва бу йиғилишда район партия комитетининг секретари М. Йўлдошева доклад қилди. (ЎзТАГ).

Энергетикларнинг республика кенгаши

Ўзбекистон энергетикларининг икки кун давом этган кенгаши тугади. Кенгаш қатнашчилари КПСС XX с'езди қарорлари муносабати билан республикада энергетика қурилишини янада ривожлантириш масалаларини муфассал муҳокама қилдилар.

Ўзбекистонда электростанциялар қурилишига йил сайин кўпроқ капитал маблағ сарфланмоқда, энергетика об'ектлари қуввати ошмоқда. Саноат марказлари, шаҳарлар ва посёлкаларни электр қуввати билан та'минловчи линиялар тармоғи кенгайиб бормоқда.

Янги тепловой ва гидроэлектростанцияларни қуришда янги техника, илғор технологиядан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозир Ўрта Осиёда энг йирик электростанциялардан Қайроққум ва Учқўрғон ГЭСлари, Оҳангарон ГРЭСи қурилмоқда. Навбатдаги вазифа Фарғона ва Тошкент энергетика районларини яхлит системага бирлаштиришдан иборатдир.

Аммо, «Средазгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси Ўртоқ Пожаров докладида кўрсатилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистонда энергетика қурилиши республика халқ хўжалигининг эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Республика область ва районлари ўртасида электр энергияси бир me'ёрда тақсимланмаётир. Бу эса республика ишлабчиқарувчи кучларини ривожлантиришга ҳалал етказмоқда.

«Средазгидроэнергострой» трести бирнеча йилдан бери электр станциялар қурилиши бўйича давлат планларини бажармаётир. Музокарага чиққан ўртоқлар Ўзбекистон Госплани ва СССР Электростанциялар министрлигини электр энергиясидан фойдаланишни яхши планлаштирмаётганликлари учун танқид қилдилар.

Оҳангарон ГРЭС қурилишининг бошлиғи ўртоқ Чернов бу қурилишда ёрдамчи иншоотлар қуриб битирилганлиги, қурилиш қудратли техника билан та'минланганлиги, бетон ишлари тугалланганлиги ҳақида гапирди. Аммо станция қурилиши қониқарсиз бормоқда. Қурувчилар шу йилнинг биринчи кварталида проект-смета ҳужжатларини ўз вақтида олмаганликлари сабабли қурилиш-монтаж ишлари графиги бажарилмаётир.

Қайроққум ГЭС қурилишидаги механизациялаштан ишлар участкасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Симак қуручи, механизатор, монтажчи, электрик, арматурачи ва бошқа ихтисосдаги кадрлар учун жиддий ишлабчиқариш-техника ўқувини ташкил қилиш зарур дейди.

«Средазгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси ўртоқ Пожаров доклади ҳамда «Средазгидроэнергопроект» директори ўртоқ Моисеев ва «Ўзбекэнерго» бошқарувчиси ўртоқ Жеребцовнинг қўшимча докладлари юзасидан музокараларга ўртоқ Носов (Главгидроэнергострой), Оҳангарон ГРЭС дирекциясининг бош инженери ўртоқ Петров, Қайроққум ГЭС қурилишининг бошлиғи ўртоқ Флигельман, СССР Электростанциялар министрининг ўринбосари ўртоқ Чижов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРЛАРИ

Янгийўл район Свердлов қишлоқ Советининг депутатлари сайловчилар наказларини бажариб келмоқдалар. Улар колхоз қишлоғининг хўжалик ва маданий тараққиёти масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар.

1955 йилнинг 21-нчи февраль куни эди. Қишлоқ Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Абдумалик Шорахмедовнинг 2-нчи округ сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашув йиғилишида кекса сайловчи Қорабой ота ўз номзодига наказ бериб, бундай деган эди:

— Мен бутун сайловчилар номидан гапириб, ўз номзодимиздан қишлоғимизда ўрта мактаб биноси, ҳаммом ҳамда водопровод қуришда ёрдам беришини сўраймаи...

Қорабой отанинг сўзлари қарсакларга қўшилиб кетди. Ўртоқ Шорахмедов йиғилишда сайловчиларнинг берган наказларини бажариш учун астойдил курашишга сўз берди. Сайловчилар депутатликка номзодлари кўрсатилган М. Тожибоев, Т. Маҳкамбоева, И. Тўйчиев ўртоқларга ҳам шу хилда наказлар бердилар.

Қишлоқ Советининг депутатлари сайловчилар томонидан берилган наказларни бажаришни ўзларининг шарафли бурчлари деб билдирлар. Орадан 10 ой ўтар-ўтмас қишлоқда янги қурилган ўрта мактаб биноси қад кўтарди. 1955 йилнинг декабрида янги ҳаммом фойдаланишга топширилди. Ҳозир у қишлоқ аҳолисига хизмат қилмоқда. Депутатларнинг ташаббуси билан шу йилнинг февралида қишлоққа водопровод келтирилди. Қишлоқ аҳолиси водопроводнинг тоза ва мазали сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Қишлоқ Советининг Қосим Олимов, Мирзажон Абдуллаев, Фатхулла Пўлатов, Абдусалом Абдухолиқов каби депутатлари ҳам сайловчилар наказларини бажаришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар «XIX партс'езд» колхози хонадонларини электрлаштириш ва радиолаштириш тўғрисида олган наказларини шараф билан бажардилар. Колхозда янги радиоузел қурилиб ишга туширилди. Узоқ хонадонларни электрлаштириш ишлари эса тамомланмоқда.

Депутатларнинг актив фаолияти қишлоқ экономикасини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий ҳаётини тобора яхшилашга хизмат қилмоқда. 1955 йилда қишлоқдаги Свердлов номли ва «XIX партс'езд» колхозлари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини оширнб бажардилар. Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Сайловчиларнинг наказлари асосида кейинги бир йил ичида қишлоқда 2 та катта ва 3 та кичик кўприк қурилди. 10 километр масофадаги йўлга шағал ётқизилди. Қишлоқ касалхонасига рентген аппарати ўрнатилди.

Қишлоқ Советимизнинг депутатлари колхоз ишлабчиқаришининг олдинги сафларида бормоқдалар. Тешабой Ғуломов, Саломат Саидова каби бригада бошлиқари 1955 йилда ҳарбир гектар ердан 35 центнерга етказиб пахта ҳосили олдилар. Депутатлар бошчилик қилаётган бригадаларда 1956 хўжалик йилида пахтачиликда янги муваффакиятларга эришиш учун ҳартомонлама тайёргарлик кўрилмоқда.

Коммунистик партия XX с'езди қарорларидан руҳланган қишлоқ Советининг депутатлари партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга оширишда ва сайловчиларнинг наказларини бажаришда жонбозлик билан ишлаб, ижроия комитетга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

М. САИДОВ,

Меҳнаткашлар депутатлари Свердлов қишлоқ Совети ижроия комитетининг секретари.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Район газетаси ва партия актива

Бекобод—областимизнинг йирик пахтакор райони ҳисобланади. Пахта далаларида юлаб коммунистлар ишлайдилар. Уларнинг жуда кўпчилиги ишлабчиқаришда авангардлик ролини ўйнаб, оммага намуна бўлмоқдалар. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ва ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиб, хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар, социалистик мусобақани чинакам ташкил этиб, мўл ҳосил учун курашни кучайтиримоқдалар. Лекин бошланғич партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ва ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиб, хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар, социалистик мусобақани чинакам ташкил этиб, мўл ҳосил учун курашни кучайтиримоқдалар. Лекин бошланғич партия ташкилотларидан ҳали ҳамма ҳам ўзларига лозим даражада талабчан эмаслар. Ана шундай бошланғич партия ташкилотларидан бири Ленинобод колхозидаги партия ташкилотидир. Бу ташкилотда 15 коммунист бор. Ташкилот партия ташкилотларининг ишини ўз вақтида ўрганиб, ҳар бир масалани ҳал қилишда ёрдам беришга ҳаракат қилмайди. Ташкилотнинг секретари Ҳ. Ҳасанов ҳам ўз вазифасини ҳали яхши тушуниб етмаган. Ленинобод колхозидаги партия ташкилотининг ишларида ҳам кўп камчиликлар бор. Ташкилотнинг партия аъзолари ўртасида ишлаш методлари ҳам ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Ташкилотнинг ишларида ҳали ҳам ҳужжатбозлик, қоғозбозлик, формализм ҳукм сурмоқда. Ташкилотнинг ишларини текширган райком инструкторлари ташкилотнинг ишларида кўплаб камчиликларни аниқлаганлар. Ташкилотнинг ишларини яхшилаш ҳақида райком инструкторлари ташкилотга кўплаб кўрсатмалар берганлар. Лекин ташкилот ҳали ҳам ўз ишларини яхшилаш ҳақида ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Ленинобод колхозидаги партия ташкилотининг ишларидаги камчиликлар ҳақида «Коммунист» газетаси саҳифаларида ўз ифодасини тўла топмаётир. Редакция ходимлари аҳ'ён-аҳ'ёнда бу ҳақда бошмақолалар бериш билан кифояланмоқдалар.

Газетанинг ўтган йил 15 октябрьда чиққан сонида «Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказайлик» сарлавҳали бошмақола берилди.

Орадан бир ой ўтгач, Мичурин номли колхоз бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақида хабар қилинди. Йиғилишда партия ташкилотининг иши қониқарсиз топилган. Шунга қарамай газета бошланғич партия ташкилотининг ишини қўйидагича та'рифлади.

«Колхоз бошланғич партия ташкилоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашиб, колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш йўлида бирмунча иш қилди. Колхозда бўлган коммунистларнинг э'тиборини пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга қаратган.

Шунингдек партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишлар анча яхшиланди».

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин газетада «Социализм» колхози партия ташкилотида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақидаги материал босилди.

Шундан бери 5 ойдан ортиқ вақт ўтди. Шу давр ичида газетанинг 40 га яқин сони чиқди. Аммо «Партия турмуши» рубрикаси остида бирон мақола босилмади. Бу рубрика газета саҳифасидан тушиб қолди. «Коммунист» газетаси партия ташкилотларининг ишига кўпроқ ўрин берганида, сўзсиз, район партия ташкилотига яқиндан ёрдам берган бўлар эди.

Район партия конференциясида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлардаги жиддий камчиликлар атрофлича очиб ташланди. Район сув хўжалиги бўлимининг ходими коммунист ўртоқ Ильин ўзи турган ташкилотнинг иши ҳақида шундай деган эди:

«Бизнинг бошланғич партия ташкилотимизда сиёсий ўқиш шу кунгача бошланғани йўқ. Шунингдек лекция бўлмайди, деворий газета чиқарилмайди».

Газета бу сигналга қандай муносабатда бўлди? Очигини айтганда индамай қўяқолди. Бошланғич партия ташкилотида район партия конференциясидан кейин партиявий-сиёсий ишларда ўзгариш бўлдими-йўқми — бу газетхонларга ма'лум эмас.

Район газетаси—район партия комитетининг органи. У, район хўжалигини ривожлантириш учун курашда, жойлардаги партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, оммани тарбиялаш ва унинг ижодий ғайратини оширишда район партия комитетига яқиндан ёрдам бериши, ҳақиқий коллектив пропагандистлик, коллектив агитаторлик ва коллектив ташкилотчилик ролини ўйнаши лозим.

Бекобод районида 18 колхоз, 3 МТС, 2 та йирик пахтачилик совхози бор. Бу районнинг ҳаммасида бошланғич партия ташкилотлари, кўплаб партия группалари ташкил қилинган. Бошланғич партия ташкилотлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширши, КПСС XX с'езди қарорларининг, олтинчи бешйиллик план топшириқларининг бажарилишини та'минлаш юзасидан катта тадбирларни амалга оширмоқдалар, коммунистларни, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ва ундан олинаётган маҳсулотнинг миқдорини кўпайтириш учун курашга тобора кенг сафарбар этмоқдалар. Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг бутун э'тибори ҳам шунга қаратилган. Аммо ҳамма жойда ҳам ишни яхши деб бўлмайди. Район газетасининг вазифаси—ишни яхши ташкил этган бошланғич партия ташкилотларининг тажрибасини оммалаштириш ва бу соҳадаги камчиликларни тугатишда бошқа бошланғич партия ташкилотларига ёрдам беришдан иборат. Бунинг учун эса бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти блан яхши таниш бўлиш, партия ходимлари блан яқиндан алоқада бўлиш ва уларни газетада ҳамкорлик қилишга кенг жалб этиш зарур.

«Коммунист» газетаси ана шундай активга эгами? Йўқ. Газетада ўтган йили партия ходимларининг мақоласи бармоқ блан санарли даражада босилди. Газета ўзининг бу хатосини бу йил ҳам такрорламоқда. Январь, февраль ойларида райондаги бирон партия ходимининг мақоласи ҳам берилмади. Тўғри, яқинда район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Б. Исломованинг «Хотин-қизлар совети ишини яхшилайлик» сарлавҳали мақоласи берилди. Лекин мақолада асосий мақсад очилмаган. Мақолада бирон колхоздаги хотин-қизлар советининг иши тилга олинмайди, партия ташкилотларининг хотин-қизлар совети ишини яхшилаш юзасидан кўрган тадбирлари ҳақида ақалли бир сўз ҳам айтилмайди. Мақола автори партия ташкилотларининг хотин-қизлар советининг ишини яхшилашдаги вазифаларини ҳам аниқ кўрсатаолмаган. Редакция ходимлари эса авторга бу соҳада ёрдам бермаганлар.

Район партия комитетининг раҳбар ходимлари газетада ўз мақолалари блан қатнашиб, меҳнаткашларни хўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар этишда газетадан фойдалансалар жуда тўғри иш қилган бўлар эдилар. Лекин район партия комитетининг биринчи ва иккинчи секретарлари Б. Эшонхўжаев ва И. Ким ўртоқлар ҳам, район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретарлари Игнатов, Исмоилов, Деҳқонов ўртоқлар ҳам, шунингдек райкомнинг бўлим мудирлари ва инструкторлари ҳам шундай қилмаётирлар. Чамаси улар газетанинг коллектив пропагандист, коллектив агитатор ва коллектив ташкилотчилик ролига етарли баҳо бермаётганга ўхшайдилар.

Район колхозларида ва совхозларида кўклам дала ишлари кенг қизитилмоқда. Меҳнаткашлар кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқдалар. Маҳаллий партия ташкилотлари ўз ишларини КПСС XX с'езди қарорлари асосида қайта ташкил этиб, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўймоқдалар, омманинг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилаётирлар.

Район газетаси маҳаллий партия ташкилотларининг ҳаёти блан доимо яқиндан таниш бўлиши, уларнинг ишидаги ютуқларни оммалаштириш ва йўл қўйилган камчиликларни дадил очиб ташлаб, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтиришда уларга ёрдам бериши зарур. Бу—газетанинг асосий бурчидир.

Совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги

Улуғ Ленин тузган ва чиниқтирган шонли Коммунистик партия XX с'езди партиямиз тарихига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихига коммунизм голиб қуруғликларининг с'езди бўлиб киради, С'езд совет халқининг партия раҳбарлиги остида коммунистик қурилиш соҳасида кўлга киритган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларига якун ясади, бундан буён партия ва совет халқи амалга ошириши зарур бўлган буюк ишлар программасини белгилаб берди.

С'езд мамлакатимизда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида кўлга киритилган ютуқлар блан бирга совет кишиларининг, бутун жамиятимизнинг ма'навий ҳаётида юз берган катта ўзгаришларни ҳам кўрсатиб ўтди. С'езд совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланганлиги, совет ижтимоий ва давлат тузуми янада мустаҳкамланганлиги, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқи, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги янада мустаҳкамланганлиги Коммунистик партиянинг ҳисобот даврида қилган ишларининг энг муҳим якунларидан бири эканлигини алоҳида та'кидлаб ўтди.

* * *

Совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, у, инсоният тарихий тараққиётида жамиятнинг тубдан янги сифат ҳолати каби вужудга келди.

Ишчилар синфи деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб, шонли Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатимизда чуқур ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ясади, эксплуататор синфлар ҳокимиятини батамом тугатди ва социализм ғалабасини та'минлади. Мамлакатимиз халқларининг метиндек бузилмас дўстлиги, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва жамиятимизнинг ма'навий-сиёсий бирлиги каби қудратли ҳаракатлантирувчи кучлар вужудга келди, ривожланди ва мустаҳкамланди.

Ма'навий-сиёсий бирлик фақат социалистик жамиятгагина хосдир, у антагонистик жамиятларда, шунингдек капиталистик жамиятда бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ишчилар блан капиталистлар ўртасида, деҳқонлар блан катта ер эгалари ўртасида тобора кескинлашиб борадиган синфий кураш, ана шу асосда пайдо бўлиб турадиган ҳамда чуқурлашиб борадиган зиддиятлар капиталистик жамиятнинг ҳаракатлантирувчи об'ектив қонуниятларидир. Антагонистик синфлардан ташкил топган ҳарқандай жамиятнинг ҳаракатлантирувчи бош кучи синфий кураш сўнмайди, балки у капитализмнинг асосий иқтисодий қонуни та'сири остида янада кескинлашади. Ана шундай жамиятнинг ма'навий-сиёсий бирлиги бўлмаслиги ўз-ўзидан равшандир.

Империализм даврида ҳарқандай воситаларни ишга солиб бўлса-да максимал капиталистик фойда олиш пайига тушиб кеттан империалистик буржуазия тобора яқинлашиб келаётган кризислардан ўзини қутқариб қолишга интилиб, шу йўлда бирқатор тадбирларни кўрмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин капиталистик мамлакатларда экономика ниели кўримаган даражада ҳарбийлаштирилмоқда ва зўр бериб қуролланиш программаси амалга оширилмоқда. Броқ бу хилдаги тадбирлар капиталистик мамлакатларни кризислар қа'ригa янада кўпроқ итаради ва капиталистик дунёдаги хамма зиддиятларни, биринчи галда синфий зиддиятларни янада кескинлаштириб юборади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин капиталистик мамлакатларда забастовка ҳаракатининг даражаси урушга қадар бўлган даражадан анча юқори бўлганлиги бунинг далилидир. Масалан, АҚШ, Англия, Франция, Ғарбий Германия, Япония, Канада, Австралия, Швеция, Бельгия, Голландия ва Аргентина каби капиталистик мамлакатларда урушдан олдинги 10 йилдагига (1930 — 1939 йиллар) қараганда урушдан кейинги 10 йил (1945—1954 йиллар) ичида забастовкалар сони 1,5 баравар купайиб 67 мингдан 101 мингга етган ва уларда қатнашганларнинг сони ҳам ошиб 21 миллион кишидан 73 миллион кишига етган. Забастовкалар туфайли йўқолган иш кунининг сони 240 миллиондан 672 миллионга кўпайган. Забастовка ҳаракати Францияда, Италияда, Японияда, АҚШда ва Англияда, урушдан кейин эса Ғарбий Германияда айниқса оммавий тус олди. Турмуш шуни кўрсатмоқдаки, ҳеч қандай даволаш воситалари капитализм тараққиётининг қонунларини ўзгартираолмайди, капитализмга, айниқса унинг империализм босқичига хос бўлган, тобора кескинлашиб бораётган зиддиятларни йўқотаолмайди.

Мамлакатимизда социализм ғалаба қилганлиги натижасида ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллигенциянинг бир характерга эга бўлган ва бир мақсадга қаратилган умумий ҳаётий манфаатлари вужудга келди. Совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги ана шу ҳаётий манфаатлар бирлиги негизида вужудга келди ва ривожланди.

Ишлабчиқариш воситаларига социалистик ижтимоий мулкчилик барпо этилганлиги асосида мамлакатимизда социалистик ишлабчиқариш муносабатлари — ижодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш муносабатлари вужудга келди ва мустаҳкамланди. Социалистик ижтимоий мулкчилик кишиларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймайди, уларни бир-биридан ажратмайди, балки, аксинча, уларни бир-бирига яқинлаштиради, бирлаштиради, улардаги коллективчилик, ҳамкорлик ва бир-бирига ёрдамлашиш туйғуларини ривожлантиради.

Мамлакатимиз ишчилар синфи блан деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбарлигидаги иттифоқининг мустаҳкамлаш асосидагина социалистик революция ғалабасини та'минлаш, мамлакатимизда социализм қуриш ва уни мустаҳкамлаш мумкин, деб та'лим берди. Коммунистик партия ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини капиталистлар ва помешчикларга қарши олиб борилган курашларда, халқимизнинг социализм ғалабаси учун олиб борган шиддатли курашлари жараёнида чиниқтирди. Ишчилар синфи ва деҳқонларнинг мақсад ва вазифалари социалистик тузумни ва Совет давлатини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда коммунизм қуришга қаратилганлиги. Шундай қилиб, ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонларнинг туб ҳаётий манфаатлари умумий бўлиб, бу манфаатлар мажкур синфлар иттифоқининг асоси ҳисобланади.

Ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи жамиятимиз ма'навий-сиёсий бирлиги таянадиган гоят муҳим негиз, шу бирликнинг синфий асосидир. Ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонларнинг иттифоқи қанчалик мустаҳкам бўлса, мамлакатимизнинг куч ва қудрати шунчалик мустаҳкам бўлади, коммунистик қурилиш соҳасидаги ишларимиз шунчалик самаралироқ бўлади. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш ишига ҳозир ҳам алоҳида э'тибор бермоқда. Кейинги йилларда партиямиз саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида бирқатор жуда катта аҳамиятга эга бўлган тадбирларни амалга оширдики, натижада шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги анча ошди, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг ишлабчиқариш алоқаси янада кучайди. Партиямизнинг XX с'езди ишчилар синфи блан деҳқонларнинг партиямиз томонидан чиниқтирилган бузилмас иттифоқи совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг мустаҳкам негизи эканлигини алоҳида қайд қилиб, уни янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам партия олдида турган биринчи даражали вазифа эканлигини кўрсатди.

Мамлакатимиз халқлари Совет давлат тузумини янада мустаҳкамлашдан жуда манфаатдордирлар. Совет социалистик демократияси меҳнаткашлар оммасини давлатни идора қилиш ишларига кенг жалб этишни та'минлайди, барча гражданларга тўла тенг ҳуқуқ беради. Совет давлат тузуми совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг сиёсий асоси ҳисобланади. Совет давлати — халқнинг ўз давлатидир, коммунизм қуриш ва мамлакатни империалистик хатардан ҳам ҳанфли эмас. Шу сабабли Коммунистик партиямиз халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга зўр э'тибор бериб келмоқда, бу дўстликни тинмай мустаҳкамлашни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билмоқда.

«Партия ўзининг миллий сиёсатида, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг июндаги пленуми қарорида ҳам XX с'езди Резолюциясида, — ленинча қоидага, я'ни социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқотмайди, балки, аксинча, барча миллатлар ва халқларнинг экономикаси ва маданиятини та'минлайди, деган қоидага асосланиб иш кўриб келди ва иш кўрмоқда. Партия ўзининг бутун амалий ишида бундан буён ҳам шу хусусиятларга жуда катта э'тибор бериб, уларни ҳисобга олиши лозим».

КПСС Марказий Комитети хўжалик ва маданий қурилишда республика органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан сўнгги йилларда бирқанча тадбирларни амалга оширдики, партия XX с'езди уларни тўла равишда ма'қуллади ва корхоналарни кун сайин бошқариб туришда республика министрликларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳақида кўрсатма берди. Партия амалга ошираётган бу тадбирлар иттифоқчи ва автоном республика ва областларда ижодий ташаббускорликни янада авж олдиришга, иттифоқчи республикаларни янада мустаҳкамлашга, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Оташин совет ватанпарварлиги жамиятимизнинг ма'навий-сиёсий бирлигини мустаҳкамловчи улуғ кучдир. Совет ватанпарварлигида халқимизнинг миллий традициялари, барча меҳнаткашларнинг умумий ҳаётий манфаатлари гармоник равишда бирга қўшилгандир. Ўз Ватанига, халқига, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига содиқ бўлган мамлакатимиз меҳнаткашларини тинч қурилиш ишлари даврида, Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатгилар. Совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги мамлакатимиз меҳнаткашларининг бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарганликларида ва эндиликда партиямиз XX с'езди белгилаб берган улуғвор программани амалга оширши учун бутун мамлакат бўйлаб кенг кўлоч ёйган социалистик мусобақада ўзининг ёркин ифодасини топмоқда.

Илғор колхозлар тажрибасини кенг қўлланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашайлик!

*

Пахта далаларидан дараклар

БЎКА районидаги Маленков номли колхознинг Ориф Шарипов, Ҳафиз Орипов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишни районда биринчи бўлиб тамомладилар. Ўртоқ Шарипов бошлиқ бригаданинг Эсонтурди Умматов бошлиқ звено а'золари 12 гектар пахта майдонига чигитни илғор агротехника қоидалари асосида экиб олдилар. Ҳозир звено а'золари дастлабки ғўза парваришига киришдилар. **Я. Исматов.**

* * *

БОЁВУТ районидаги 2-нчи МТСнинг ўртоқ Мурод Мўминов бошлиқ трактор бригадаси бу йил 300 гектар ерга чигит экиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Улар Карл Маркс номли колхознинг азамат пахтакорлари билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ўз мажбуриятларини муддатидан олдин тугаллашга эришдилар. Универсалчилардан Бекматов, Жабборов, Раҳмонов, Омонбоев ўртоқларнинг ҳарбири 1400 — 1600 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб беришга астойдил бел боғлаб, тракторларни культивация қилиш учун мосламоқдалар. **К. Нуронов.**

* * *

ГУЛИСТОН районидаги «Красная заря» колхозининг Бўрибек Усканов бошлиқ бригада а'золари чигит экишни колхозда биринчи бўлиб тамомладилар. Улар гектаридан олинадиган 40 центнерга етказиш учун курашаётирлар. Бригаданинг ўртоқ Норҳол Қаршибоева бошлиқ звено а'золари 15 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 ўрнига 43 центнердан ҳосил олиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. **А. Бобокулов.**

* * *

ЧИНОЗ районидаги Ленин номли колхоз а'золари чигит экишни барвақт тугалладилар. Дастлабки кунларда экилган участкаларда чигит текис униб чиқиб, яшил квадратлар ҳосил бўлабошлади.

Ҳозир колхоз правлениеси ғўза парваришини бошлаб юбориш учун амалий тадбирлар кўрмоқда. **Ш. Дўйсенов.**

Учучилар билан колхозчиларнинг ҳамкорлиги

Тошкент аэропортининг кўпгина учучилари Верхне-волинек, Гулистон, Мирзачўл, Ховос районларидаги оталикка олинган колхозларда пахтакорлар билан ҳамкорликда меҳнат қилаётирлар.

Баҳор бошланиши билан учучи ўртоқ Хамияулла Убайдуллаев «АН-2. И» самолёти билан ўзи оталикка олган Гулистон районидаги Фрунзе номли, Свердлов номли колхозларга учиб борди. У, бу ерда кўпдан бери таниш бўлган колхоз а'золари А. Маҳкамов, Б. Қодиров ўртоқлар билан учрашди.

— Бу йил, — деди Б. Қодиров, — ўтган йилдагига нисбатан 50 гектар ортиқ ерга чигит экдик.—Мен ҳам бу йил олинган мажбурият олдим,—деди ўртоқ Х. Убайдуллаев.—500 гектар ерга дори сепмоқчиман. Ўртоқ Х. Убайдуллаев мажбуриятини шараф билан бажариш мақсадида кунига 15—19 мартдан ҳавога кўтарилмоқда. Ҳар кўтарилишда 350—400 килограммдан суперфосфат билан пахта далаларини ўғитламоқда.

Айниқса ўртоқ Козлов бошлиқ звено а'золари алоҳида ташаббус билан ишлаётирлар. Звенонинг ҳарбир учучиси март ойининг ўзида 470—500 гектардан ерга дори сепди.

Граждан авиациясининг учучилари Х. Убайдуллаев, М. Кузнецов, М. Гончаров, Б. Козлов ўртоқлар апрель ойида 200—250 гектардан майдонга дори сепдилар.

В. МАКАРОВА.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ



Суратда: (чапдан ўнгга) 1. Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг бригада бошлиғи **М. Мамараҳимов.** У бошлиқ бригада а'золари бу йил 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. 2. Чиноз районидаги Маленков номли колхознинг илғор звено бошлиғи ўртоқ **И. Қўчқорова,** З. Янгийўл районидаги Навоий номли колхознинг звено бошлиғи **Н. Ҳошимов.** У бошлиқ звено а'золари ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиш учун ғайрат билан ишлаётирлар. **М. Шевелев** ва **А. Ким** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Чигитни текис ундириб олиб, дастлабки парваришни сифатли ўтказайлик

Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг чигит экишни сифатли қилиб тамомлаган Т. Канчандзе, Мавлон Ходиров, Собит Ниёзов, Бурхон Зокиров, Рихсибой Усмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг ерларида квадрат-уялаб, торқаторлаб экилган чигит текис униб чиқди. Яшил квадратлар аниқ кўриниб турипти. Бу квадрат-уялаб чигит экқан И. Муслимов, Г. Юсупов бошлиқ агрегат а'золарининг гоят маҳорат билан ишлаганликларини яққол кўрсатади.

Илғор бригадалар карта четларига, бурчакларга ҳам чигит экиш, тўла гектар ҳосил қилиш тадбирларини кўриш билан бирга ҳозир ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбордилар.

Броқ районидаги бир қатор колхозларда чигит экиш, айниқса квадрат-уялаб экиш, кўнгилдагидек олиб борилмаётир. Бунинг устига ёмғирдан сўнг қатқалоққа қарши кураш, чигит экилган ерларни бороналаш, ғўза парваришн ишлари ҳам тўғри уюштирилмаётир. Айрим ерларда чигит сифатсиз экилган. Ба'зи колхозларда яхши ишланмаган, серкесак ерларга ҳам чигит экиб юборилган.

Ленин номли колхозда А'зам Собиров бошлиқ бригаданинг Малохат Халилова звеносидаги анчагина ер серкесак бўлгани ҳолда чигит экилаберган. Бунинг устига айрим қаторларда чигит ернинг бетига ташлаб кетилган. Мана шу звенонинг чигити униб чиққан ерларида тракторни Аҳҳам Мавлонов қатқалоқни юмшатишда боронани кўндалангига юритиш ўрнига узунасига юритаётир. Лекин шу иш тепасида турган колхоз раисининг ўринбосари Т. Каттабеков, агроном Ким Мун Мен бу хатони тузатиш ўрнига тракторчини узунасига борона қилишга мажбур қилган.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида чигит экилган ерлар ёмғирдан сўнг қалин қатқалоқ босиб қолганига қарамай, борона қилинмаган. Аҳмадали Шапиев бошлиқ бригаданинг дала шийпони олдидаги ерларида униб чиққан ғўзалар қатқалоқдан бўғилиб қолган. Аммо колхоз агрономи Ўртоқ Йўлдошев қатқалоқни юмшатиш чорасини кўрмаётир. МТСдан келтирилган ратацион мотига бекор турипти. Бундан ташқари бу колхозда кўпгина ерлар чигит экишга сифатли тайёрланмаган. Колхознинг Тарас Шевченко номли колхозга туташган биринчи бригадасининг 13 гектар ерида каттакатта кесаклар уйилиб ётипти. Шунга қарамай бу ерга чигит экиб юборилган.

Райондаги колхозларда бу йил 3.920 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиши керак. Броқ бу муҳим иш айниқса Ленин номли, «Ҳақиқат», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Ворошилов номли ва «Коммунизм» каби бир қатор колхозларда ҳаддан ташқари қониқарсиз ўтказилди. Ленин номли колхозда бор-йўғи 4 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил экиш даврида об-ҳаво қулай бўлишига қарамай айрим жойларда чигит яхши тайёрланмаган ерларга экилди, агротехника қоидалари бузилди. Бу эса эндиликда чигитни тўла ундириб олишга, ғўза тупларини сақлаб қолишга зўр э'тибор беришни талаб этади. Юқорида айтиб ўтганимиздек Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» ва бошқа колхозларда бу соҳадаги ишлар қониқарли бормаётир.

Район партия, совет ташкилотлари колхозларда юз бераётган бундай ярамас аҳволга қарши чора кўришлари, чигит экишни ва уни ундириб олиш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун барча тадбирларни кўришлари лозим.

Б. ҲАЛИЛОВ.

Бригада а'золарининг аҳди

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг Маман ота Қўлдошев бошлиқ бригада а'золари мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш, шу йўл билан пахтачиликни ривожлантириш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун аҳд қилганлар. Ҳозир бригада пахта майдонларини бир текис униб чиққан яшил ғўзалар қоплади.

Бригада а'золари ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, чигит олдин экилган майдонларда зўр ушқоқлик билан ғўза парваришини бошлаб юбордилар.

—Биз,—дейди бригада бошлиғи Маман ота Қўлдошев,—механизаторлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, биринчи парваришни барча майдонларда улуг байрам куни 1 Майгача тугаллаш учун курашмоқдамиз. **А. САРИБОЕВ.**

* * *

СССР тараққиётининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик планининг бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини перспектив планлаштириш Давлат комиссияси ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг матбуотимизда э'лон қилинган ахборотини барча совет кишилари мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги ғалабаларини кўрсатувчи ғоят муҳим ҳужжат сифатида кутиб олдилар. Бу ҳужжат бутун халқимиз қалбини ҳақли равишда фахрланиш туйғулари билан, янгидан-янги ватанпарварлик ҳислари билан тўлдирди. СССР тараққиёти бешинчи беш йиллик плани топшириқларининг муваффақиятли бажарилганлиги мамлакатимизнинг коммунизм сари ривожланиб бориш йўлида катта қадам бўлди ва социалистик жамиятнинг буюк ижодий кучини ҳамда социалистик хўжалик системасининг капиталистик хўжалик системасига нисбатан устунлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

Ишчилар синфи ва унинг авангарди — Коммунистик партиянинг дун'ёқараши — марксизм-ленинизм совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг идеологик асосини ташкил этади. Шунинг учун жамиятимиз ма'навий-сиёсий бирлигини тобора мустаҳкамлаб боришда идеология ишларини юксак даражага кўтариш, совет кишиларини коммунистик онглилик руҳида, Коммунистик партия ишига садоқат руҳида тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Партиямизнинг XX с'ездаги мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг мисли кўрилмаган катта вазифаларини белгилаб бергани, уларни амалга ошириш идеология ишларини янада юқори босқичга кўтаришни талаб этади. Коммунистик партия идеология ишларига, меҳнаткашларни марксизм-ленинизмнинг революцион назарияси билан қуроллантириш ишига алоҳида э'тибор бермоқда. Марксча-ленинча назария асосларини ўрганиш идеология соҳасидаги ишларимизда ғоят катта аҳамиятга эга. Марксизм-ленинизм та'лимотини ўрганиш жамият тараққиёти қонунларини чуқур тушунишга, келажакни равшан кўришга ёрдам беради. Коммунизмнинг ғалабасига ишончни мустаҳкамлайди, коммунистик қурилиш ишига кўмаклашади. Шунинг учун ҳам партиямизнинг XX с'ези меҳнаткашларни ва аввало ёш авлодни революцион назария билан қуроллантириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Идеологик ишларимиз канчалик юксак бўлса, совет кишиларининг социалистик онглилиги шунчалик юқори бўлади, партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишдаги ютуқларимиз шунчалик кўпроқ ва мустаҳкамроқ бўлади.

Мамлакатимиз меҳнаткашларининг барча оммавий ташкилотлари — Советлар, касаба союзлари ва комсомол партия раҳбарлиги остида иш кўрадилар. Бу ташкилотларнинг фаолияти бир мақсадга қаратилгандир. Бу ташкилотларнинг фаолияти совет халқи ма'навий-сиёсий бирлигининг яққол ифодасидир.

Коммунистик партия коммунизм қураётган совет жамиятининг етакчи ва раҳбар кучидир. Халқимизнинг бахт-саодати тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия фаолиятининг олий принципидир. Совет халқи жонажон Коммунистик партиясини чин қалбдан севади, уни ўзининг раҳбари ва устози деб билади. Совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси атрофига жипслашганлиги, партия сафларининг метиндек мустаҳкамлиги совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг энг чуқур ифодасидир.

Коммунистик партия халққа янада яқинроқ бўлиб қолганлиги ва халқнинг эса партия атрофига мустаҳкам жипслашганлиги кейинги йилларда янада кучлироқ намоён бўлмоқда.

Совет кишилари партия XX с'езди қарорларини зўр қониқиш ва мамуният билан кутиб олдилар. Бугун мамлакатимиздаги завод, фабрика, колхоз совхоз ва МТС коллективларининг партия XX с'езди якунларига бағишлаб ўтказилган кўпчиликлик митинг ва йиғилишлари халқимизнинг Коммунистик партияга чин садоқати ва чуқур муҳаббатини, унинг атрофига янада мустаҳкамроқ жипслашганини кўрсатувчи кудратли намойишга айланиб кетди.

Жамиятимизнинг ма'навий-сиёсий бирлиги Коммунистик партия тарбиялаб ўстирган совет кишиларининг ма'навий қиёфасида тобора кучлироқ гавдаланмоқда.

Халқимизнинг Совет давлати ижчилик билан амалга ошираётган тинчликсевар ташқи сиёсатни яқлилик билан қизғин қўллаб-қувватлаётганлигида ҳам жамиятимиз ма'навий-сиёсий бирлигининг буюк қудрати ўз ифодасини топмоқда.

Совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи қудратли кучи бўлиб қолди. Коммунистик партия бу бирликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса, қуйидан бўлаётган танқидни кучайтириш катта аҳамиятга эга. Партиямизнинг XX с'езди танқид ва ўз-ўзини танқидни тинмай ривожлантиришни муҳим вазифа қилиб қўйди. Танқид ва ўз-ўзини танқид ишимиздаги камчиликларни ўз вақтида очиб ташлайди, бир жойда тўхтаб қотиб қолишга асло йўл қўймайди. Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш асосида биз кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши муваффақиятли кураш олиб бораоламиз. Шу асосда меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайоламиз, жамиятимиз ма'навий-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлайоламиз.

Совет жамияти социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўлидан ривожланиб бораётган бир вақтда давримизнинг аҳлоқи, шон-шарафи ва виждони бўлган Коммунистик партия атрофига халқимизнинг янада мустаҳкам жипслашганлиги совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг характерли белгиларидандир. Совет жамиятининг ўсиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган ма'навий-сиёсий бирлиги, совет халқининг барча халқ демократияси мамлакатлари халқлари билан қардошлик иттифоқи ва барча мамлакатлар меҳнаткашларининг дўстлиги — прогрессив инсониятни тинчлик ва тараққиёт, социализм ва коммунизм ғалабаси сари олға олиб бораётган ҳамда бу буюк йўлдаги барча ғовларни емириб ташлашга қодир бўлган қудратли кучдир.

С. ОРИПОВ.

* * * * *

Биз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш учун курашмоқдамиз

Сизнинг колхозингизда бу соҳада нималар қилинмоқчи?

МУРОЖААТДАН КЕЙИНГИ РЕЖАЛАРИМИЗ

Колхозимиз пахтакорлари ва бизда хизмат қилаётган механизаторлар билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати муҳокама қилингач, биз ана шу Мурожаатда кўрсатилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш режаларини тузиб чиқдик. Илгари 1198 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган бўлсак, Мурожаат пухта ўрганиб чиқилгач, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш мажбурияти олинди.

Олдинги мўлжалимизга кўра ҳарбир сигирдан 1700 литрдан сут согиб олмоқчи эдик. Ярим йиллик натижалар кўриб чиқилгач, 274 бош сигирнинг ҳарбиридан 2000 литрдан сут согиб олиш мумкинлиги аниқланди. Биз йил охиригача 80 та чўчқани бўрдоқи қилиб боқмоқчи эдик, ҳозир эса бу кўрсаткични 120 бошга етказадиган бўлдик.

Биз Мурожаатни кенг, атрофлича ўрганар эканмиз, правление а'золари ҳамда ер-сув бригадасининг бошлиқлари ва механизаторлар билан биргаликда ҳар бир участка ва ҳар бир майдонни алоҳида-алоҳида кўздан кечирдик. Ҳар бир участка ва ҳар бир майдонга хос бўлган камчиликларни аниқлаб, уларни тезда тугатиш учун конкрет тадбирлар белгиладик. Ҳозирги кунда биз ана шу тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишга киришдик.

ҲОСИЛНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ма'лумки, илғор пахтакорлар мўл ҳосил етиштириш учун кузда пухта замин ҳозирлайдилар. Биз ҳам 1955 йилнинг кузида кўпгина ишларни ўз вақтида бажардик. Масалан, ҳозир чигит экилган барча ерларимиз минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солинган ҳолда кузда сифатли шудгор қилиб қўйилди, эрта кўкламда ер етилиши билан экишдан олдин барча майдонлар борона қилинди, молланди, шундан кейингина экишга киришилди.

Ҳосилни ошириш тўғрисида гап борар экан, гектар тўлалиги ва ҳарбир туп ғўзадаги кўсакларнинг бўлиқ бўлишига алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз ерларимизнинг табиий шароитига қараб колхозимиз бўйича ўртача ҳар гектар ерда 80 — 90 минг тупдан кўчат бўлишига, ҳарбир туп ғўзада 10 — 12 тадан бўлиқ кўсак бўлишига эришамиз. Бу шартларга тўла амал қилаётган бригадаларимиз айниқса мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Масалан, Анвар Эгамназаров бригадаси ўтган йили 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олди. Афсуски шу бригада билан кўшни бўлган Мурод Иногомов бригадасида 77 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олинди. Нима учун шундай бўлиб қолди? Чунки ўртоқ Иногомов ўз бригадасида ҳосилни ошириш тўғрисида чинакамига қайғирмайди. У ғўза парвариши давридаги ҳарбир цикл ишни Эгамназаров бригадасига нисбатан 2—3 кун кейин ўтказади. Шу билан бирга, ўртоқ Иногомов бригадасида маҳаллий ўғитдан фойдаланишга етарли аҳамият берилмайди.

Бригадалар ўртасидаги хилма-хилликни Эшмат Қормишохов, Исоқ Нортоев бригадаларида ҳам кўриш мумкин. Исоқ Нортоев бошлиқ бригадада ернинг структурасини яхшилаш учун мунтазам ишлар олиб борилмаётганлиги, суғориш ва культивация ўтказишда агротехника қоидалари қисман бузилаётганлиги сабабли Эшмат Қормишохов бригадасига нисбатан бу бригада ҳар гектар ердан 2—3 центнердан кам ҳосил етиштирмоқда. Ваҳоланки, Нортоев бошлиқ бригаданинг ерлари баландликда бўлиб, сувнинг бошига жойлашган.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ўтган йилги камчиликларнинг бу йил содир бўлмаслиги учун колхозчилар, механизаторлар билан тўла маслаҳатлашиб олди ва конкрет тадбирлар белгилади. Колхозимиз ўтган йилдагига нисбатан анча кўп маҳаллий ўғит тайёрлади, экиш ишлари барвақт ва сифатли ўтказилди, ғўзанинг дастлабки парваришн ўтган йилдагига нисбатан бир ҳафта илгари бошланди.

Гектарининг тўлалиги ҳақида гапирар эканмиз, бу йил берилган афзалликларни алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Масалан, ўтган йилларда гектар тўлалиги тўғрисида сўзлантанда, карталар атрофидаги тут ва бошқа дарахтлар, муваққат ариқлар, кичик хирмонлар, зовурлар ва уларнинг тупроғи ташланган жойлар мутлақо ҳисобга олинмас эди. Биз бу йил ҳисоблаб чиқдик. Ана шундай ерлар чиқариб ташланса, колхоз бўйича 35—40 гектар ер чегирилар экан. Колхозда умумий ҳосилнинг камайишига мутлақо йўл қўймаган ҳолда биз ана шу ерлар ҳисобига ёш боғлар ичига чигит экдик. Шу йўл билан колхоз 1956 йилда бермоқчи бўлган пахта ҳосилини олишга албатта эришаоламиз.

Ҳосилни кўпайтиришда ғўза парваришини арта бошлаш ва бу ишни сифатли ўтказиш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Биз ҳар йили ҳам чигитнинг 100 процент униб чиқишини кутиб ўтирмай, 60—70 процент чигит униб чиқиши билан қатор ораларини енгил юмшатишга киришамиз. Бу, биринчидан, униб чиққан ғўзанинг тез ривожланишини та'минласа, иккинчидан, энди униб келаётган чигитнинг тезроқ ривожланишига ёрдам беради.

Биз бу йил ҳам шунга амал қилиб, ҳозир кўпгина далаларда дастлабки культивацияни бошлаб юбордик. Колхозимиз а'золари ғўзанинг биринчи комплекс парваришини 12 — 15 майгача тугаллаш учун курашмоқдалар.

Биз ҳосилни оширишда ғўзанинг иккинчи ва учинчи парваришига алоҳида э'тибор берилишини та'кидламоқчимиз. Ғўза шу даврда чуқур культивация қилинса, унинг илдизлари яхши айраб, танага кўпроқ зўр беради.

Суғоришнинг ўз вақтида, я'ни ғўза талаб қилган кунларда ўтказилиши жуда муҳимдир. Биз ерларимиз шароитига қараб асосан ғўзалар текис шоналагач биринчи сув берамиз. Кейинги суғоришларни ғўзанинг талабига қараб ўтказаберамиз.

Ғўзани ўсиш даврида уч марта озиқлантирилади. Бунда, айрим колхозларда уч гал ҳам ҳамма ерга бир хилда ўғит солинаберади. Биз эса учинчи ўғитни кўпроқ камқувват ерларга соламиз.

Агротехниканинг янги, прогрессив усуллари кенг қўлланилаётганлиги, ҳосилни ошириш учун барча тадбирлар амалга оширилаётганлиги, ҳарбир колхозчи пахта ҳосилини кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилаётганлиги сабабли йил сайин давлатга кўп пахта топширишга эришмоқдамиз. Шу билан бирга, ҳарбир гектар ердан келадиган даромаднинг кўп бўлишини та'миламоқдамиз.

Ер—колхознинг асосий бойлиги. Ерга сарф бўлган меҳнат, харажатнинг кучи — баракаси ҳосил билан ўлчанади, албатта. Биз буни яхши англаймиз. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда ер унумдорлигини оширишга ҳаракат қиламиз. Ҳозир колхозда беда майдонлари пахта майдонларининг 30 процентн миқдорига етказилган. Ер асосан кузда ўғитланиб шудгорланади. Шунинг учун ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил ва даромад, демак, колхознинг пахтадан оладиган умумий даромади ошмоқда.

Лекин, эришишимизга қараганда, областимиздаги колхозларнинг ҳосилдорлиги анча паст. Масалан, 1955 йилда 3 миллион тонна пахта топширган мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришда Тошкент области ҳал қилучи роль ўйнайди. Тошкент областида пахтадан мўл ҳосил етиштирилишида бизнинг колхоз, шунингдек Октябрь районидаги Каганович номли, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозлар сингари йирик колхозлар салмоқли ўринга эгадирлар. Бизлар, йирик ва юқори ҳосилли колхозлар пахтани кўпайтириш учун курашсаккина, областимиз бўйича катта муваффақиятга эришиш мумкин.

Колхозлар	пахта майдони	Ҳар гектар ҳосили	Ҳар гектар даромади (минг сўм ҳисобида)	Пахтадан олинган умумий даромад (миллион сўм ҳисобида)
«Қизил Ўзбекистон»	1170	36,9	13,4	15,7
Ленин номли	2200	28,6	9,8	21,5
Каганович номли	1890	24,5	5,4	10,3

Кўриниб турипти, Ленин номли, Каганович номли колхозларда бир гектардан олинган даромад бизнинг колхоз даромадига нисбатан анча кам. Аслида эса бу колхозлар ҳар гектар ердан ҳосил олиш учун биз сингари ўғит сарфлаган, трактор ишлари ўтказган, сув қўйилган, кетмон чопиги ўтказилган ва ҳоказо.

Демак, ҳосилни ошириш билан бирга, гектаридан олинадиган пул даромадини кўпайтириш колхозчиларнинг манфаатдорлигини оширишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Биз ҳосилни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни юқори сифатли қилиб бажарамиз, ҳар гектар ердан олинадиган даромадни бундан ҳам кўпайтирамиз.

ПАХТАЧИЛИК ЕТАКЧИ ТАРМОҚ ДЕБ, БОШҚА СОҲАНИ УНУТМАЙМИЗ

Чиндан ҳам, пахтачилик хўжалигимизда ҳал қилучи роль ўйнайди. Бу билан биз чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, паллачиликни ҳам э'тибордан четда қолдирмаймиз. Кейинги икки йилдан бери колхозимиз сигирларни қўлда боқишга ўтказиб, яхши натижаларга эришмоқда. Масалан, ўтган йили 265 бош сигирнинг ҳарбиридан 1440 ўрнига 1660 литрдан сут согиб олинди. Бу йил 6 ойда пландаги 850 литр ўрнига ҳарбир сигирдан 916 литрдан сут согиб олдик. Демак, йирик пахтакор колхозда сутчиликни ривожлантириш қийин, деган сўз ўз-ўзидан нотўғри эканлиги ма'лум бўлиб қолди.

Шу билан бирга, биз чўчқачиликни ривожлантириш учун ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозир 25 та она чўчқа, 150 та чўчқачалар зоотехника қоидалари асосида яхши боқилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш учун маккажўхорининг ғоят катта роль ўйнаётганлиги эндиликда ҳарбир кишига ма'лум бўлиб қолди. Биз шунга амал қилиб, ўтган йили 80 гектар ерга маккажўхори экқан эдик. Бу маккажўхорининг кўп ноясидан кўп миқдорда силос бостирдик ва қиш ичи сигирларимизни ширали ем-хашак билан боқишга муваффақ бўлдик.

Бу йил колхозимизда маккажўхори майдони 100 гектарга етказилади. Ҳозир шундан 59 гектар ерга маккажўхори экиб қўйдик. Ҳар гектар ердан 300 центнердан силосбоп кўк ноя, 30 центнердан дон олиш планлаштирилмоқда. Биз 1956 йил учун ҳар бош сигирга 7—8 тонналан силос тайёрлашга эришамиз. Бундан ташқари, колхозимизда 50 гектар ерга хашаки лавлаги экиб қўйилди. Бунинг ҳар гектаридан 250 центнердан ҳосил етиштирамиз.

Биз чорва молларини етарли миқдорда ва ширали ем-хашак билан боқиб, чорвачилик маҳсулдорлигини кескин ошириш, давлатга кўп сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш учун курашамиз. Колхоздаги ҳарбир товуқдан 80 тадан тухум оламиз.

Колхозда 3500 қўй, 360 йилқи, 700 парранда, 140 яшик асалари бор. Биз буларни ҳам яхши боқиб, колхозга кўп даромад келтириши учун зарур чораларни амалга оширамиз. Ўтган йили 150 қутни кўрт боқиб, 238 минг сўм даромад олган бўлсак, бу йил 275 қути кўрт боқиб 400 минг сўм даромад қилишни мўлжалламоқдамиз.

Ўтган йили қўшни Каганович номли колхоз қўшилиши билан бизнинг хўжалигимизда сабзавотчилик ҳам етакчи тармоқлардан бири бўлиб қолди. 127 гектар картошка, 46 гектар помидор, 100 гектар қовун-тарвуз ва бошқа экинлар майдонига эгамиз. Сабзавотчилар бу йил 480 гектар ернинг ҳар гектаридан 150 центнердан картошка, 200 центнердан помидор, кўп миқдорда сабзи, пиёз ҳамда қовун-тарвуз етказиб бериш учун ўз зиммаларига конкрет мажбурият олдилар ва шу кунларда ана шу мажбуриятларини шараф билан бажарии учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ма'лумки, колхозчилар ошхонаси кўпгина жиҳатидан республикамизда энг йирик колхозлардан бири эди. 1954 йилда бўлган совуқлар натижасида 565 гектар боғимизнинг 75—80 проценти нобуд бўлди. Бу йил 24 минг ёш кўчат ўтқазилиб, 242 гектар боғ қайтадан тикланди. Келгуси йилда ҳамма боғимизни яна кенгайтириш учун курашамиз.

ИЛҒОР КОЛХОЗЛАР ҲОСИЛИНИ ОШИРИШ УЧУН КУРАШНИНГ БАЙРОҚДОРИ БЎЛИШИ КЕРАК

Бундан бирнеча йиллар илгари мўл ҳосил етиштириш соҳасида Октябрь районидаги Каганович номли колхоз тилларда достон бўлган эди. Ҳарбир киши ана шу колхоз тажрибасини ўрганиб, хўжалигини шу колхоздек бошқариб, яхши натижаларга эришиш учун курашарди. Шундай қараганда, ҳали ҳам бу колхознинг довруғи ҳаммага ма'лум. Лекин фактларга мурожаат қилганимизда, бу колхоз ҳосил етиштириш жиҳатидан ҳам, бир центнер пахта учун сарф қилган меҳнат жиҳатидан ҳам, хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам биздан анча орқада қолаётган экан.

Бу колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 24,5 центнердан пахта топширипти. Хўш, шу колхозда трактор етишмайдими, ёки колхоз бошқа колхозларга нисбатан давлат томонидан кам ўғит оладими, ёки сув етишмайдими? Йўқ. Бу колхозда шу райондаги, областимиздаги айрим колхозларга нисбатан имконият жуда яхши, аммо ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир, ички резервлар ишга солинмаётир. Ахир шу колхоз билан қўшни бўлган Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз пахта ҳосилини йил сайин ошираётганлиги фақат бизга эмас, бошқаларга ҳам ма'лум-ку! Каганович номли колхоз пахтакорлари буни ҳисобга олиб, илғарги шуҳратларини яна тиклашлари керак.

Ёки Янгийўл районидаги Ленин номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхоз 1953 йилда ҳар гектар ердан 31 центнердан ошириб пахта топширганлигини биз яхши биламиз. Нима учун бултур ҳосилни ошириш ўрнига, камайтириб юборди? Бултур шу йирик колхоз ҳар гектар ердан 28,6 центнердан пахта берипти. Шу райондаги камқувват ҳисобланган «XIX партс'езд» колхози эса бир йил ичида ҳосилни анча ошириб, 1955 йилда гектаридан 29 центнердан пахта берди.

Донгдор ҳисобланиб келган колхозлар эндиликда магрурланиш кайфиятидан батамом воз кечишлари, қишлоқ хўжалик ишларининг ўз вақтида бажарилиши учун техникадан, ички резервлардан кенг фойдаланишлари, шу йўл билан республикамизда пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашишлари керак!

Республикамиз пахтакорлари бу йил мамлакатга 3 миллион тонна пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришда Тошкент области ҳал қилучи роль ўйнайди. Тошкент областида пахтадан мўл ҳосил етиштирилишида бизнинг колхоз, шунингдек Октябрь районидаги Каганович номли, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозлар сингари йирик колхозлар салмоқли ўринга эгадирлар. Бизлар, йирик ва юқори ҳосилли колхозлар пахтани кўпайтириш учун курашсаккина, областимиз бўйича катта муваффақиятга эришиш мумкин.

Олтинчи бешйилликнинг биринчи йили бўлган 1956 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун курашамиз ва бошқаларни ҳам ана шундай ишлашга, она-Ватанимизга кўп миқдорда пахта, картошка ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга чақирамиз.

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

С. ОЛИФЕРЕНКО,
колхоз агрономи.

Ҳ. ЭЛБУСИНОВ,
колхоз партия бюросининг секретари.

Правление а'золари:
Н. ЭРМАТОВ, А. ЙЎЛДОШЕВ, Т. ТОШМАТОВ, У. ЭРГАШЕВ, Ж. АҲМЕДОВ, А. ЭГАМНАЗАРОВ, Ж. ФОЗИЛОВА, Ш. НОРМАТОВА, М. ЮСУПОВ, М. ҚОСИМОВ.

1955 йил 1 октябрьдан 1956 йил 1 апрельгача ҳарбир сигирдан энг кўп сут соғиб олган колхозлар

(Килограмм ҳисоби блан)

Колхозлар	Районлар	Қўлда боқилаётган ҳарбир сигирдан 6 ойда соғиб олинган сут
Сталин номли	Калинин	1696
Ворошилов номли	Калинин	1615
Молотов номли	Тошкент	1537
Свердлов номли	Юқоричирчиқ	1409
Сталин номли	Янгийўл	1222
«Правда»	Юқоричирчиқ	1202
Жданов номли	Қорасув	1161
Сталин номли	Тошкент	1083
Ленин номли	Қорасув	1068
Сталин номли	Оржоникидзе	1060
«Октябрь»	Мирзачўл	1038

Область колхозларида 1955 йил 1 октябрьдан 1956 йил 1 апрельгача қўлда боқилаётган ҳарбир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори

(Килограмм ҳисоби блан)

Районлар	6 ойда соғиб олинган сут	шу жумладан март ойида соғиб олинган сут	Районлар	6 ойда соғиб олинган сут	шу жумладан март ойида соғиб олинган сут
Калинин	939	208	Ўртачирчиқ	312	88
Оржоникидзе	842	169	Гулистон	286	95
Қорасув	826	178	Верхне-волинск	266	77
Янгийўл	572	130	Бўка	216	65
Тошкент	556	131	Ховос	208	77
Сирдар'ё	399	112	Оққўрғон	205	62
Юқоричирчиқ	379	104	Паркент	199	95
Мирзачўл	372	99	Бўстондиқ	181	68
Октябрь	351	77	Бекобод	167	49
Ўртасарой	344	97	Боёвут	136	40
Чиноз	328	86	Оҳангарон	127	47
Қуйичирчиқ	314	96	Пискент	122	49

1955 йил 1 октябрьдан 1956 йил 1 апрельгача область колхозларида сигирлардан энг кўп сут соғиб олган илғор сут соғучилар

(Килограмм ҳисоби блан)

Исми, фамилияси	колхозлар	районлар	бириктирилган сигирлар сони	қўлда боқила ётган ҳарбир сигирдан соғиб олинган сут	ҳамма соғиб олинган сут
Х. Абдуллаева	Сталин номли	Калинин	12	2337	27179
Б. Исҳоқова	Ворошилов номли	Калинин	14	2041	27692
М. Иноятова	Сталин номли	Калинин	14	2031	25593
Р. Расулова	Ворошилов номли	Калинин	14	2016	27338
И. Шукурова	Сталин номли	Калинин	13	1902	21934
Х. Исломова	Ворошилов номли	Калинин	14	1890	25039
Мирзаахмедова	Сталин номли	Калинин	13	1830	21489
Ф. Яҳёва	Сталин номли	Янгийўл	14	1770	15382
П. Треффель	Ворошилов номли	Янгийўл	14	1764	—
Е. Энгельгард	Ворошилов номли	Янгийўл	14	1730	23483
Т. Хўжанова	«Қизил Октябрь»	Чиноз	8	1721	13768
Т. Камолова	«XIX партс'езд»	Чиноз	9	1700	15400
К. Толмачева	Свердлов номли	Янгийўл	13	1691	21980
М. Еқубова	Каганович номли	Тошкент	13	1673	22533
М. Барсакова	«Қизил Октябрь»	Чиноз	9	1650	14804
А. Назарова	Сталин номли	Янгийўл	14	1632	22155
А. Борисова	Сталин номли	Тошкент	12	1630	20225
У. Раҳимова	Сталин номли	Калинин	13	1608	20251
Ш. Турсунова	Ворошилов номли	Қорасув	16	1594	24730
М. Закирова	Ленин номли	Қорасув	11	1591	16966
М. Умарова	Ленин номли	Қорасув	11	1577	16812
М. Қосимова	Ленин номли	Қорасув	11	1570	16746
С. Гайдет	Ворошилов номли	Калинин	14	1557	21131
М. Султонова	Свердлов номли	Янгийўл	14	1550	20950
К. Иноятова	Сталин номли	Калинин	14	1549	21018
Е. Шимакина	Ворошилов номли	Қорасув	15	1539	22395
З. Яхшимбетова	Сталин номли	Янгийўл	13	1539	19389
С. Мавлина	Сталин номли	Янгийўл	12	1504	17493
К. Абдуллаева	Сталин номли	Калинин	14	1501	20389
К. Ғуломова	«Октябрь самараси»	Калинин	10	1500	15000

„Туапсе“ танкерининг АҚШдан ўз юртига қайтиб келган совет денгизчиларининг матбуот конференцияси

26 апрельда «Водный транспорт» газетасининг редакцияси Журналистлар Марказий уйида совет ва четэл матбуоти вакиллари учун матбуот конференцияси — 1954 йилда Хитой соҳили яқинида чанкайшичилар томонидан қароқчиларча ушлаб олинган «Туапсе» танкери экипажининг а'золари бўлган совет денгизчилари блан учрашув ўтказди.

«Водний транспорт» газетасининг редактори В. Ф. Кутьянов матбуот конференциясини очиб, мухбирларни «Туапсе» танкерининг капитани В. А. Калинин блан, шунингдек яқинда АҚШдан ўз юртига қайтиб келган кема мотористлари М. Шишин ва В. Лукашков, матрослардан А. Ширин ва В. Рябенко ҳамда кема бухгалтери Н. Ваганов блан таништирди. Ма'лумки, улар Тайвань оролидан чанкайшичилар асирлигидан АҚШга олиб кетилган эдилар. Сўнгра М. Шишин ўзи ва АҚШдан ўз юртига қайтиб келган бошқа тўртта совет денгизчиси имзолаган баёнотни ўқиб берди.

Баёнотда бундай дейилади:

Чанкайшичилар асирлигида узоқ вақт азоб чекканимиздан ва АҚШда ярим йил сарсон-саргардон бўлиб юрганимиздан кейин биз 9 апрельда ватанимиз тупроғига қувона-қувона қадам қўйдик.

Яқинда бизларга «Водний транспорт» газетаси редакциясида биз АҚШдан жўнаб кетганимиздан кейин Америка матбуотида бизни, «Туапсе» танкери экипажининг беш а'зосини, гўё «совет агентлари» АҚШдан зўрлик блан олиб кетганликлари тўғрисида турли бўлмағур гаплар тарқатилаботганлигини сўзлаб бердилар.

Биз Америка газеталарининг бу хилдаги ҳамма провакацион уйдирмаларини қат'ий равишда рад этамиз ва ушбу баёнотимизда ўз юртимизга қайтиб келишимизнинг тарихини қисқача сўзлаб беришни истаймиз.

«Туапсе» танкерининг зўрлик блан ушланиш тарихи ва экипаж а'золари Тайванъда қандай шароитда яшаганликлари илгари СССРга қайтиб келган 29 денгизчининг баёнотларидан яхши ма'лумир. Биз бу баёнотларга тамомила қўшиламиз. «Туапсе» танкерини чанкайшичилар қароқчиларча ушлаб олганларидан кейин биз, совет денгизчиларини дўқ қилиб, қийнаб ва ҳа деб уриб-калтаклаб Ватанимиздан воз кечишга мажбур этмоқчи бўлиб уриндилар.

Биз, бу босқинчиларнинг панжасидан қандай қилиб қутилиш керак?, — деб узоқ вақт ўйладик. Ўнларча хилма-хил вариантларни мўлжалладик. Чанкайшичилар панжасидан қутилиш ва совет дипломатик ваколатхоналари бўлган бирон мамлакат орқали юртимизга қайтиш учун ҳарқандай қилиб бўлса ҳам бирорта йўлни топиш керак эди.

АҚШдан Тайванъга келган агентлар ҳарқандай қабиҳ методлар блан бизларни «аркин ҳаёт кечириш усули» деб аталган йўлни танлаб олишга кўндирмоқчи бўлиб уриндилар. Биз Совет Иттифоқига қайтиш учун АҚШда бизларга бошпана беришни сўраб ёзилган аризани имзолаш ҳақида тил бириктирдик. Шу блан бирга, биз ҳарқандай агентларга билдирмасдан, Ватанимизга қайтиш йўлида бизларни ҳечнарса тўхтатаолмайди, деб бир-биримиз блан қасам ёд қилишдик.

1955 йил октябрь ойида бизларни бошқа тўртта денгизчи, — Соловьев, Еременко, Татарников ва Иваньков-Николов блан биргаликда АҚШга олиб кетдилар. Буерда бизларга «уорлд черч сервис» ташкилотидан «Васийлар» тайинлаб қўйдилар; бизларни агентлар ва Совет Иттифоқига душман бўлган шахслар ўраб олдилар. Биз орадан кўп ўтмай, бу ердан ҳам осонгина жўнаб кетаолмаслигимизни тушундик.

Бизнинг «васийларимиз» деярлик ҳар кун бизнинг олдимизга кедиб Россияга боришни асло ўйламанг, сизларнинг қариндошларингиз аллақачон Сибирьга жўнатилган, уларни қийнаб азоб бермоқдалар, агар қайтадиган бўлсангиз, нималарга дучор бўлмайсиз, деган гапларни такрор-такрор айтиб, шу тариқа бизни ватанимизга қайтмасликка унатмоқчи бўлдилар.

Биз, албатта, бу сотқин «васийларнинг» бирор сўзига ҳам ишонмадик ва совет ваколатхонаси блан алоқа боғлаш йўлларини тинмай қидирдик. Жуда эҳтиётлик блан ҳаракат қилиш керак эди. Биз рус эмигрантлари блан сўзлашган вақтимизда, агар озгина ҳам шубҳа туғилса, бизларни турмага ёки ақлдан озганлар уйига қамаб қўйишлари мумкин эканлигини билиб олдик.

Биз бир газетадаги хабарни ўқидик. Бу хабарда Нью-Йоркда БМТ ҳузуридаги совет ваколатхонасининг адреси айтилган эди. Шундай қилиб, узоқ вақт кутган орзумизга эришадиган вақт яқинлашди. Тез ва дадил, аммо эҳтиёткорлик блан ҳаракат қилиш керак эди. Биз план туздик... Биз ваколатхонага аввало Шишин боради, орадан бирмунча вақт ўтгач қолганларимиз борамиз деган қарорга келдик. Биз шундай қилдик ҳам.

Эртаси куни ҳаммамиз бирга тўпландик. Ваколатхонада бизларни самимий, қардошларча кутиб олдилар, катта э'тибор бердилар, ғамхўрлик қилдилар. АҚШдан жўнаб кетиш олдидан 6 апрельда группамиз Нью-Йоркдаги солиқлар департаментига борди. Америка амалдорлари блан суҳбат қилганимиздан кейин бизларга солиқларни тўлаш тўғрисидаги ҳужжатлар берилди. Америка қонунларига биноан; Америка Қўшма Штатларидан жўнаб кетиш учун ана шундай солиқларни тўлаш зарур.

Нью-Йорк яқинидаги аэродромда самолётга тушиш олдидан бизларни Совет Иттифоқига қайтишдан воз кечишга мажбур қилмоқчи бўлиб игвогарларча уриниб кўрдилар АҚШда бизларга «васийлик» қилган «уорлд черч сервис» ташкилотининг вакили Рэнкин деган биров бизларни иммиграция ма'мурлари ва полиция ҳодимлари олдида алоҳида-алоҳида ҳарбирмизни сўроқ қилди. Русча гапирган Рэнкин бизлардан ўз ниятимиздан ва СССРга қайтишдан воз кечишимизни талаб қилди, сизларни у ерда ҳарқандай азоб ва ҳатто ўлим кутади, деди у. Рэнкин бизларга игвогарликдан иборат хилма-хил саволлар бериб, бизларнинг АҚШда қолишимизга эришмоқчи бўлиб уринди.

Иммиграция бюросининг агенти бу ишда Рэнкинга ёрдам берди. Бу агент жуда қўпол муомала қилди. Лекин биз ўз ниятимиздан қайтмаймиз ва бу темада ҳечким блан суҳбат қилишни истамаймиз, деб қат'ий равишда айтдик.

Икки кундан кейин биз Москвага қайтиб келдик.

Биз пойтахтда уч кун бўлиб, унинг ҳушманзара жойларини томоша қилдик, Кремльда бўлдик. СССР Денгиз флоти министрлигида бизларни самимий кутиб олишди. Министрликнинг ҳодимлари бизларни юртимизга қайтиб келганлигимиз блан табрикладилар.

Тўрт кундан кейин Одессага жўнадик. Буерда бизни қариндошларимиз, ҳўтларимиз ва таништларимиз, Қора денгиз параходчилигининг ҳодимлари самимий кутиб олдилар.

Биринчи кунларданоқ бизга ўртоқларча ғамхўрлик қилинди ва э'тибор берилди. Бизларга ишҳақи тўланган ҳолда уч ойлик отпуска берилди. Дам олганимиздан кейин ҳарбиримиз параходчиликнинг кемаларида ўз ихтисосимиз бўйича ишлаймиз. Шуни алоҳида айтиб ўтишни истаймизки, четэлда яшашга мажбур бўлган вақтимизда — Қора денгиз пароходчилиги бошқармаси бизнинг оилаларимиз ва яқин қариндошларимизга бизнинг ишҳақимиз ҳисобига муntазам суратда пул бериб келган.

Биз, беш совет денгизчиси четэл ва совет матбуоти вакиллари олдида айтамизки, биз юртимизга ўз ҳоҳишимиз блан қайтдик. Совет ҳукуматимиздан биз ва оилаларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилганлиги учун бениҳоя миннатдормиз.

Биз шуни айтишни зарур деб ҳисоблаймизки, Совет ҳукумати АҚШдаги совет элчихонаси вакилларининг биз блан учрашувини Америка ҳукуматидан бирнеча марта талаб қилган, лекин Америка ма'мурлари бу фактни бизга айтмадилар. Биз буни Нью-Йоркдаги совет ваколатхонасида совет консулидан эшитиб билдик.

Чанкайшичилар Тайванъда мажбуран ушлаб турган ва АҚШда ушланиб турган ўртоқларимизга ҳам Совет ҳукумати уларни озод қилишни ва ўз юртига қайтаришни талаб қилаётганлиги тўғрисида ҳечнарса айтилмаёти . Биз уларнинг ҳаммаси биринчи имконият туғилиши блан ўз оилаларига, ўз юртига қувона-қувона қайтиб келади, деб ишонамиз.

Матбуот конференцияси охирида совет денгизчилари четэл ва совет журналистларининг жуда кўп саволларига жавоб қайтардилар. (ТАСС).

Болгария министрлар Совети ва Компартия марказий Комитетининг қарори

СОФИЯ, 26 апрель. (ТАСС). Бугун Болгария Халқ Республикаси министрлар Совети ва Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг шу йил 29 апрельдан бошлаб ишчи ва хизматчиларнинг шанба, дам олиш олди ва байрамолди кунларида иш кунини 6 соатгача камайтириш тўғрисидаги қарори э'лон қилинди.

Совет журналистлари делегациясининг Францияда бўлиши

ПАРИЖ, 26 апрель. (ТАСС). ТАСС ма'муд раҳбари Н. Г. Пальгунов бошчилигида Францияга келган совет журналистлари делегацияси кеча Реймсга бориб, шаҳарнинг ҳушманзара жойлари блан танишди. Бугун эрталаб делегация Париждаги машҳур «Рено» автомобиль заводини бориб кўрди.

Чехословакия телеграф агентлигининг хабари

ПРАГА, 26 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Бош министр Вильям Широкийнинг тақдими бўйича, Чехословакия Коммунистик партияси марказий комитетининг қарори асосида ва Чехословакия миллий фронти марказий комитетида муҳокама қилинганидан кейин Чехословакия Республикасининг президенти А. Запотоцкий А. Чепичкани бош министрнинг биринчи ўринбосари ва миллий мудофаа министри вазифаларидан озод қилди ҳамда миллий мудофаа министри қилиб Богумир Ломскийни тайинлади.

Туркиядаги кўмир шахтасида портлаш

АНҚАРА, 26 апрель. (ТАСС). Туркия матбуотининг хабар қилишича, Зонгулдак районидаги кўмир шахтасида портлаш рўй берган. Портлаш натижасида 8 киши ўлган, 62 киши яралар бўлган.

СССР блан Германия Демократик Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганлиги ҳақида АХБОРОТ

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегацияларя ўртасида саммий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида бўлиб ўтган музокаралар натижасида 1956 йил 26 апрельда Москвада Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Бу битимда СССР блан Германия Демократик Республикаси ўртасида маданий ва илмий алоқаларни янада ҳартомонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, маданият, фан, адабиёт, олий та'лим, маориф ва шу каби соҳалардаги тажрибаларни ҳамда мутаффақиятларни кенг равишда айирбошлаш кўзда тутилади.

Битимни СССР Иттифоқи Ҳукуматининг ваколатига биноан, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, Германия Демократик Республикаси Ҳукуматининг ваколатига биноан, Германия Демократик Республикаси Халқ маорифи министри, Министрлар Совети Президиумининг а'зоси Фриц Ланге имзоладилар.

Шу куннинг ўзида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов Германия Демократик Республикаси делегацияси шарафига зиёфат берди.

Индонезия Коммунистик партиясининг мактуби

ПЕКИН, 26 апрель (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Жакартадан ҳабар беради: Индонезия Коммунистик партияси Индонезия меҳнаткашларини урушга қарши, тинчликни ҳимоя қилиш учун ва мамлакатда Голландиянинг иқтисодий ҳукмронлигини йўқотиш учун курашишга чақириб мактуб э'лон қилди.

Мактубда айтилишича, Бандунг ва Женева руҳи ҳамда халқлар ўртасида тинчтотув бўлиб ва дўст бўлиб яшаш идеялари одамларнинг онгига чуқур сингиб кетди.

Сўнгра Коммунистик партия ўз мактубида айтадики, мамлакатдаги реакцион ҳукумат ағдариб ташланди, думалоқ стол конференциясининг битимлари бекор қилинди ва миллий бирлик, я'ни ҳозирги ҳукуматнинг мустамлакачиликка қарши, агрессияга қарши қаратилган программасига асосланган миллий бирлик кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Мана буларнинг ҳаммаси мустақилликни мустаҳкамлаш, демократия асосларини кенгайтириш ва тинчликни та'минлаш учун стимул бўлмоги лозим. Халқ реакцион гуруҳларнинг ҳаракатларини аввалгича кузатиб туриши лозим. Бу реакцион гуруҳларнинг аввалги аҳволини тиклаш учун ҳарбир имкониятдан фойдаланишга уринажаклари шубҳасиздир.

«Пахтакор» командаси яна ғалаба қозонди

Мамлакат биринчилиги учун «Б» класс футбол командалари ўртасидаги мусобақада қатнашаётган «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг Тошкент бўлими футболчилари кетма-кет уч учрашувни ғалаба блан якунлаб, иккинчи зона бўйича лидер бўлиб қолган эдилар. Команда шу йил 26 апрель куни Челябинск «Авангард» командаси блан учрашди.

Соат 18 бўлиши блан кўп минглн тамошабиларнинг гулдурос қарсаклари остида саф тортиб майдонга чиққан футболчилар ўйинининг бошиданоқ ҳаммани ҳаяжонга солабошладилар. «Авангард» командасининг дарвозаси олдида жиддий хавф тугилди. Қарийб 35 минут гоят тез сур'ат блан олиб борилган ҳужум муваффақият блан якунланди — ҳужумчи М. Боркин ўзига узатилган тўпни меҳмонлар дарвозасига киритди. Шундан кейин ўйин янада қизғин тус олди. Мурашев ва Боркин ўртоқлар «Авангард» командаси ҳимоячиларининг тез югураолмаслигидан яхши фойдаланиб, ўйин тугашига 30 минут қолганда бир гол уришга муваффақ бўлдилар. Тўпни яна 11 номерли М. Боркин киритиб ўйин охиригача ҳисоб 2:0 бўлиб туравер ди.

Шундай қилиб «Пахтакор» (Тошкент) командаси тўртинчи ўйинни ҳам ғалаба блан якунлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ V С'ЕЗДИ ОЛДИДАН

Монументал сан'атни ривожлантирайлик

Монументал сан'ат фреска ва темпера, мозаика ва керамика каби турли воситалар орқали халқ турмушининг энг муҳим томонларини, катта аҳамиятга эга бўлган воқи'ликларни акс эттиришга катта имкониятларга эга. Броқ, монументал сан'ат ҳозирги вақтда архитекторлар союзи ва рассомлар союзининг ижодий ишида энг қолоқ соҳа бўлиб қолаётир.

Афсуски, монументал сан'ат соҳасида жуда кам асарлар яратилаётир. Бунинг учун Тошкент шаҳар жамоатчилик биноларини кўзлаб кечирилган кифоя. Шаҳарда амалий сан'атнинг керамика, монументал нақшлар воситасида безатилган жойлари жуда оз учратамиз. Бу ҳол эса республикамизда монументал сан'атнинг ёмон аҳволда эканлигини исботлайди. Бу ўринда иккиуч, шу жумладан 1949 йилда Ч. Аҳмаров томонидан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг тематик гул нақшлар блан безатилганини кўрсатиб ўтиш мумкин, холос. Шуқадар кенг кўламда олиб борилаётган қурилишлар ичида безак ишларининг онда-сонда кўзга ташланишини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда республикамизда совет тасвирий сан'атининг актуал проблемаларини ҳал қилиш зарурияти туғилмоқда. Айниқса бу проблематик масалалар ичида ўзбек монументал тасвирий сан'атини ривожлантириш энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Агар ҳозирги вақтда бу ҳар икки ижодий ташкилот раҳбарларидан нега Тошкентда монументал тасвирий сан'ат асарлари йўқ, деб сўралса, албатта улар бу саволга жавоб беришга қийналадилар.

Рассомлар бу саволга «архитекторлар ўз проектларида фреска, темпера, керамика ва скульптура асарларини планлаштирмаётирлар» деб жавоб берсалар, ме'морлар «Тошкентда бу масалани кўтаришга ҳечким қодир эмас» дейишади. Броқ бундай жавоблар ҳақиқатдан узоқдир.

Агар Тошкент шаҳридаги ижодий практика ва воқи'ликка мурожаат қилинса, архитекторлар ва рассомлар союзлари бирганикда ҳаракат қилсалар, Ўзбекистон шароитида ҳам монументал тасвирий сан'ат проблемасини ижобий ҳал қилиш мумкин. Броқ, бизнингча, бу масаланинг ижобий ҳал қилинишига икки сабаб тўсқинлик қилмоқда. Бу сабаблардан биринчиси, рассомлар блан архитекторлар ўртасидаги чинакам ижодий ҳамкорликнинг бўлмаслиги, иккинчидан, ижодий ташкилотларда—амалий сан'ат мастерлари, монументалчилар, ёш рассомлар блан ишлашнинг мутлақо йўлга қўйилмаганлигидир.

Бундан бирнеча йил олдин архитекторлар, рассомлар, халқ усталари ўртасида ижодий ҳамкорлик мавжуд эди. Бу ўринда Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносини безатишда архитектор В. А. Шчусев, рассом Ч. Аҳмаров, халқ усталари Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулловлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни кўрсатиб ўтиш кифоя. Бундай ҳамкорлик фақат ме'мор блан рассомнинг ижодини бойитиб қолмасдан, балки социалистик дәвримизнинг ажойиб ёдгорлигини ҳам вужудга келтирди.

Афсуски, ҳозирги вақтда ижодий ташкилотларнинг а'золари ёки муассаса раҳбарлари орасида янги қурилиш ва архитектурада монументал сан'атни ривожлантириш масалалари блан шуғулланаётган кишиларни топиш анча қийин. Натижада бу масала ижодий ташкилотларнинг диққат марказидан четда қолиб келаётир. Шунинг учун ҳам кўпгина Тошкент рассомлари ва архитекторлари ҳатто бир-бирларини танимайдилар ҳам. Бу таажжубланарли эмас, албатта. Бундан икки-уч йил олдин архитекторлар рассомлар союзида этюдлар, расмлар ва тасвирий сан'атга оид бошқа асарлар виставкасини ташкил этдилар. Ме'морлар рассомлардан бу виставка тўғрисида ижодий маслаҳатлар кутган эдилар. Броқ натижа улар кутгандек бўлиб чиқмади. Виставка муҳокамасида беш-олти рассом қатнашди, холос. Улардан бир-иккитаси сўзга чиқиб, енгил-елпи гапириб қўяқолди. Муҳокама жуда паст савияда ўтди. Ана шу йиғилишдан сўнг бирор марта ҳам йиғилиш ўтказилмади. Союзларнинг правлениелари томонидан виставканинг ёмон ташкил этилиши йиғилишнинг самарасиз ўтказилишига сабаб бўлди. Монументал ва декоратив сан'ат асарларининг озлиги Тошкентда малакали кадрлар йўқ деган гап эмас. Пойтахтимизда кўпгина қобилиятли кадрлар бор. Масалан, кейинги иккиуч йил ичида Москва, Ленинград ва бошқа махсус бадиий олий ўқув юртларини тамомлаган ўнлаб қобилиятли, малакали ёш рассомлар Тошкентга келди. Бу мутахассислар ичида керамика, монументал, тасвирий сан'ат мутахассислари бор. Уларнинг кўпчилиги бир вақтлар Тошкентдаги махсус ўқув юртларида тарбияланганлар. Улар ҳозир ҳам шу ерда яшамоқда. Бу группадаги мутахассисларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини юқори баҳолар блан тамомлаб, совет темасида эсда қоладиган монументал асарлар яратиб, амалий ишда ўзларини кўрсатганлар. А. Ган, В. Соседов, В. Воликов, А. Скрипников ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ёш рассом А. Ган бадиий керамикада краснодонлилар ҳақидаги «Ёш гвардия» деган монументал полотносини яратди. Бу диплом Мухина номидаги Ленинград олий бадиий-амалий сан'ат билим юрти махсус комиссияси томонидан ма'қулланиб, Амурдаги Комсомольск маданият саройини безатишга тавсия этилди. Шу билим юртининг ўқитувчиси В. Соседов Ленинград артиллерия музейининг «Золотой Горки» пилласояси ва деворларини жуда ҳам чиройли қилиб безади. Унинг «1917 йил Октябрьда Қишки саройни штурм қилиш» деган темпер гул нақшлари заказчиклар томонидан мақтовга сазовор бўлди. Шиша ойналарни бадиий жиҳатдан ишлаш соҳасида В. Воликов ва А. Скрипниковларнинг ишлари киши э'тиборини ўзига жалб қилади. В. Воликов мозаика техникасини такомиллаштириб, Бажовнинг мотивлари асосида «Ермаковлар оққуши» деган ажойиб композициясини яратди.

Кейинги вақтларда, айниқса Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидаги Ўзбекистон павильонини безаш вақтида ўзбек тасвирий сан'атининг кекса усталари блан бирга, кўпгина ёш талантли рассом-монументалчилар алоҳида хизмат кўрсатдилар. Улар орасида У. Тақсинтоев, М. Арипек, К. Чепраков ва Ю. Елизаровларни қайд этиш мумкин. Улар қишлоқ хўжалик виставкасида совет воқи'лигимиз тўғрисида катта панно яратиб, монументал тасвирий сан'атга катта ҳисса қўшдилар. Я. Раупов, М. Раҳимов, Т. Арслонқулов ва бошқа кўпгина кекса рассомларимиз республикамизнинг кўпгина қурилишларида муваффақиятли суратда ишладилар.

Тошкент, Москва, Ленинград шаҳарларида тарбияланиб, тал'им олган бу ёш рассомларимиз ва кекса сан'аткорларимиз миллий сан'ат, маданиятнинг ўзига хос спецификасини, ўзбек халқ турмушини яхши биладилар. Улар ўз мутахассисликлари соҳасида катта тажрибага эгадирлар. Броқ шунга қарамай, Ўзбекистонда монументал сан'ат соҳасида улар ўзларидаги ана шу бой тажриба ва куч-қувватдан тўла фойдаланганларича йўқ. Шу билан бир вақтда бу кадрлар блан бирор ташкилот чинакамига шуғулланмаётир.

Республика рассомлари ва архитекторлари союзлари ҳамда муассасаларида ёш кадрларга, мутахассисларга нисбатан етарли ғамхўрлик қилинмаётир, натижада, кўпгина мутахассислар иттифоқимизнинг бошқа жойларига ишлаш учун кетиб қолмоқдалар. Тошкентга бошқа жойлардан ёш мутахассислар келмаётир.

Ўтган йили А. Ган қурилиш ва архитектура бошқармасидан ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни талаб қилди. Броқ бошқарма бошлиги ўртоқ Муҳамедшин зарурият туғилиб қолса, ўзимиз чақирамиз, деб ва'да берди. Броқ бу ва'дадан буён бир йиллан кўпроқ вақт ўтди. Лекин Ленинград олий ўқув юртини тугатган бу ёш мутахассис ҳали ҳам бирор ижодий заказ олиш имкониятига эга бўлганича йўқ. Ёш кадрларга нисбатан рассомлар союзида ҳам, республика сан'ат муассасаларида ҳам етарли э'тибор бериламаётир. Ҳатто бундай кадрларнинг борлиги унутилиб юборилган. Бу шу блан ҳам аниқланадики, рассомлар союзида Навоий номли театрни безаш ишларини кимга топшириш кераклиги масаласи узоқ вақтгача ҳал этилмади. Бу ишни монументалчиларга топшириш ўрнига, станкачиларга топширилди. Броқ бу кўнгилдагидай натижа бермади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, республика рассомлари ва архитектура союзларининг ижодий ҳамкорлигини яхшилаган вақтдагина монументал сан'атни яратиш ва ривожлантириш мумкин. Бу эса энг муҳим вазифадир.

О. АПУХТИН,
Тошкент бадиий билим юрти директори.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28 ва 29\IV да **Холисхон**. 28/IV га билетлар сотилган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28\IV да **Вертер**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Нурхон**, 29\IV да **Сингиллар қиссаси**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН». — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Катта проспект**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 9 яримда **Венгер операттаси усталари**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН». «ИСКРА». «УДАРНИК» — **Бомбай қизи**.

«ХИВА» — **Сепли тўй**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСРда хизмат кўрсатган артист —

Уссурия ва Бенгалия йўлбарсларини ўргатучи

А. Н. АЛЕКСАНДРОВНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЬЛАРИ.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

30 апрель, 1 ва 2 майда

Байрам тамошалари

Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

30 апрель ва 1 майда

КАТТА

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова, Назира Аҳмедова, Фотима Борухова, Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Саодат Қабулова, Ноила Ҳошимова, Ксения Давидова, Гулнора Маваева, Ҳалима Комилова, Қундуз Миркаримова, Саттор Ярашев, Михаил Давидов**, солистлардан **Асад Азимов, Жамол Низомхўжаев, Сасон Беньяминов, О. Шайхилисломова, Т. Литвинова, Б. Қориева, Д. Бурдийная, Р. Ҳожисаидова, Ф. Кайдани, Т. Юнусова, Р. Тангурневлар** қатнашади.

Концертмейстерлар — Д. Л. **Воробейчикова, О. А. Костина**, доирада — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Р. Исахўжаев, А. Бараев**, программани Ж. **Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Қошиқчи проезд, 45\11-нчи уйда туручи **Мансур Шораҳимовнинг** шу уйда туручи Жўрахон Шораҳимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий аҳборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03727 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1424